



СОБИР АБДУЛЛА



**ТАБАССУМ ҲАМ
ТААССУФ**

(Ҳажвий шеърлар)

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

Тошкент—1973

Собир Абдулла — аруз вазида ижод қилиб келган забардаст шоирларимиздан. Унинг халқ қўшиқларига айланиб кетган латиф ғазалларидан баҳра олмаган киши бормикан?! У қанси мавзуда ижод қилмасин, ўқувчига айтмоқчи бўлган фикрини нафис либосда, ширали тил билан ифодалайди.

Бу китобча шоирнинг ҳажвий асарларидан тузилган бўлиб, уларда юлғич ва фирибгарлар, ялқов ва бюрократлар, ароқхўр ва сансалорчилар ўткир сатирик тил билан фош қилинадн.

Дебоча

Шеър эмас, шеъринг кўнгулларга спроят этмагач,
Нутқ эмас, ҳар жумласи мингга кифоят этмагач.
Халқ мизробига ўлчаб баста қил куй, бастакор,
Бўлма мағрур, тинглашиб мажбур, шикоят этмагач.
Тизма, эй рассом, тахмин бирла олам кўркини,
Қадри не бўлсин, ҳақиқатни ҳикоят этмагач.
Шошма, эй ҳофиз, билиб аввал ғазални, сўнгра айт,
Умр кўрмас хонишинг, йиллар ҳимоят этмагач.
Элда шухрат истасанг, хом узма меванг боғбон,
Турш бўлур, нордон бўлур, фаслин ниҳоят этмагач.
Бил ўзингни, Собиро, ҳар кимга бермай маслаҳат,
Шоиринг мсир бўлур, даврон иноят этмагач.

Табассум ҳам таассуф

Агар жам бўлса бошга икки ҳолат,
Қилур одам табассум ҳам таассуф.
Қўшилса завқу шавққа гар малолат,
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Кўринса сирти силлик, сўзга ўчроқ,
Сезилса суҳбатидан мағзи пучроқ,
Таажжубдан келиб чиқса хиҷолат:
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Қилинса яхшилик, қайтса ёмонлик,
Ёмоиликка бўлиб дуч меҳрибонлик,
Адоват йўлини тутса адолат:
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Гапирсанг яхши сўз, топса дил озор,
Қилай деб яхшилик, бўлсанг гуноҳкор,
Гуноҳсизга ҳужум қилса жаҳолат:
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Иши то тушмаса, бегона сенга,
Иши то битгуча парвона сенга,
Ўзинга манфаат кўзлаб, далолат:
Қилур одам табассум ҳам таассуф.

Дилозор тиллар ҳақида

Англатур носоғлигини, бўлса оқ ҳам қора тил,
Соғу носоғлик гувоҳи тиб учун, бечора тил.
Баъзи тил қолгай балога хўжасин амри билан,
Ўз гуноҳини юволмай айланиб, овора тил.
Халқ учун озор етгай баъзилар сўзи билан,
Неча назик дилни айлар сўзи бирлан пора тил.
Сўзламакка тилни мажбур айлагай жоҳил киши,
Чекланур ноҳақ сўкишдан, уэр ила ёлбора тил.
Ўл дилозорларга танбеҳ яхши таъсир этмаса,
Ҳажв тиғи бирла ундай тилни ёра-ёра тил.
Бўлса мақташчоқ агар ким: ўз тилига зўр берар,
Бермагай ҳеч кимга навбат сўзда, беназзора тил.
Бурди йўқ, ёлғончи аҳлидан бўлинглар эҳтиёт,
Бой берар таъсирини сўзлашда бора-бора тил.
Бир ёмонга тил бўлишликдан соқовлик яхшироқ,
Маслаҳат бер унга, Собир, шунга кўнса зора тил.

Ахлоқсиз «ошиқ-маъшук»лар

Чунон ҳовлиқди нодон, кўрсатяб подомлигин кўпга,
Намойиш қилди ўзни, ўпкасини у илиб чўпга.
Десам мен: «Ўпкаси йўқ!»— қилдилар тасдиқ кўрганлар,
Деди ундан хабардор бир йигит: «Онинг ўзи ўпка!»
Борар ёнида бир «қиз»: беадаб, бешарму беўхшова,
Оғизда папиросу тиззадан анча баланд юбка.
Йигит қўл ташлаб олган гардани сув кўрмаган асло,
Боқар, бадмаст кўзини лўқ қилиб ул сийқа «маҳбуб»га.
Одам кўл кўчада, ул иккиси бормоқда бепарво,
Бу юзсизлар юзи ўхшар эди эски, ямоқ тўпга.
Қелинг, эй пок муҳаббат ёшлари, ундан олинг ибрат,
Ёқинг ўт ишқ аҳли, ишқ учун бўхтон бу «услуг»га.
Насиҳат қилса эл, «хўп» бирла алдаб, билганин айлар,
Ишонма сўзига, қил ҳажв Собир, учмагин «хўп»га.



Оддий сатрлар

Келтирур бахт тўғри сўзлик, поклик,
Эл учун хизматда чувт-чолоклик.
Кимсанинг илми кифоя қилмагай,
Бўлмаса хуш фаҳму хуш идроклик.
Ҳар кишининг қадрини арзон қилур
Беадаблик, шапшагу шаккоклик...
Серғаразлар баэми афюндан ёмон,
У билан ўтган даминг тареклик.
Ўйнасанг ишқ, донмо мардона бўл,
Не учун йиғлаб, кўзи намноклик?..
Сухбат ичра кетмасин бурдим десанг:
Сўзла ўйлаб, қилма гўрлик, ноклик.
Элни ҳурмат қилганинг — ўз ҳурматиинг,
Душманингдир нописанд, бебоклик.
Бўлма улфат сен дили гашлар билан,
Юқмасин ғам аҳлидан ғамнокляк.
Собиро, кўкси бутунлар бирла бўл,
Келса дуч, қоч, йўлда бағри чоклик.

Бир «оғайним»нинг таърифи

Бемехнатимнинг миннати тиш синдирур ош устина,
Ишга ғалис, ошга ҳарис, ташлар узин дош устина.
Йўқдир ҳазилга тоқати, гапни кўтармас ҳеч қачон,
Берсанг эиёфатдан дарак, дейди туриб: «Бопи устина!»
Пар кўрпа қаттиқлик қилур, аввал жигилдон тўлмаса,
Тўйса қорин, хуррак чиқар бошни қўйиб тош устина.
Меҳнат десанг, дер: «Мен касал», мақтовга аммо бесуяк,
Танқид еган кун эртаси танғир рўмол қош устина.
Оч қолса тез тушгай қовоқ, тўқ бўлса гар, нипи-пиш қилиб,
Андоқки, ҳеч парвоси йўқ, тош тушса бардош устина.
Хизмат учун «ёшим кичик», ҳурмат учун «мен каттамен»,
Гоҳ ёшириб ёшини, гоҳи ўн ёш қўшар ёш устина.
Гар яхшилик қилсанг — дуруст, йўқса ёмонсан доимо,
Иш чиқмаса, гап ёғдирур қавму қариндош устина.
Қилма сафар сен у билан, Собир, эсинг бўлса агар,
Кулфат билан ғам ёғдирур қайтгунча йўлдош устина.

Умр эмас ундай умр

Умр эмас ундай умр, бемаъни, бемазмун ўтиб,
Яъни бемазмун ўтиб, ҳар ерда санқиб кун ўтиб.
Кун ўтиб, бир нафъи тегмай элга, санқиб, беҳунар,
Билмай ўз қадрини, нодонликда арзон, жўн ўтиб.
Жўн ўтиб, кошки эди жим юрса, давронга тавон,
Маст-аласт, расвоёи олам, шишага мафтун ўтиб.
Шишага мафтун ўтиб, борган ери маълум эрур,
Пул сўрар аста танишдан, ёнидан беш-ўн ўтиб.
Ёнидан беш-ўн ўтиб, «дўст»ларни бездиргай чунон,
Ешуниб «дўсти» дегай: «Кўрмай мени кетсун ўтиб!»
Шу билан кетгай ўтиб умри! Ачингайсан киши!
Ҳеч йўқ эски бинога бўлмагай устун ўтиб.
Бу чирик тан бирла ҳатто сенич бўлмишга арзимас,
Маст, ҳушёрхоналарда бефароғат тун ўтиб.
Бефароғат тун ўтиб, ётса ярим ой, эҳ, эсиз,
Дея одам, қайтишида «жони бор пўстин» ўтиб.
Кулма, эй Собир, алардан, қаҳр этиб шеър ёз анга,
Доғ туширса одамизодликка бу маймун ўтиб!..

Валакитанинг туб «фазилат»лари

Ҳаргиз анга дуч келмаки, озор — валакита,
Қилгай асабий дардга гирифтор — валакита!
У унга солиб, қон босимингни оширурлар,
«Сен энди фалон жойга олиб бор» — валакита!
Ундан чиқасан, қўлда қоғоз, ҳол паришон,
Адресни сўраб: база-ю омбор — валакита!
Истаб топасан бир неча кунлар қидиришда,
Дер унда: «Бухгалтер қўли даркор!..» — валакита!
Қайтиб борасан, қўйдирасан қўл, умн топгач,
Қайтиб чиқасан ҳорғину бемор — валакита!
Бир араммаган нарсага бир ой югурарсан,
Қўп ўйнатади қўлида, маккор — валакита!
Бу кичкинаси! Қиссани чўзсам тугамас ҳеч,
Доим кишилар мушуқули душвор — валакита!
Айтсанг, куладир бошлнгни! Эвоҳ, бу на ҳолким,
Танқид яна кор этмади, беор — валакита!
Текширгали гар келса тегишли киши: хўп, деб,
Чап берди анга, тулкидай айёр — валакита!

Ғазаб омухта ғазал

Ҳеч сенда борми инсоф, беор, сғма, ёмғир,
Иккинчи сортга тушмай «отбор», ёғма, ёмғир!..
Эл — ҳамма пахтазорда, қил шарм кўп ёғишдан,
Ер шилта, пахтазор лой, афгор, ёғма, ёмғир!
Кўкламда тоза ёғдинг! Хўи, майли, сўз демаймиз,
Ез ойларида бўлдик безор, ёғма, ёмғир!
Куз келди, ўйладикки, ёғмас, бўлур ҳаво соз,
Халқ топди қайта сендан озор, ёғма, ёмғир!
Мешкобчи, шум булутлар, бор, ташна тоғу чўлга,
Йўқ бизда ташна бўлган бемор, ёғма, ёмғир!
Тўсмай қуёшни, тезроқ йўққа чекил, йироқ кет,
Бизларга сен эмассан даркор, ёғма, ёмғир!
Қўй, пахтамиз очилсин, терсин ҳашарчи яйраб,
Машиналар турур шай, тайёр, ёғма, ёмғир!
Тўлсин план, кейин ёғ, ҳозирча қўй ҳазилни,
«Заб тинди!» — деб қувонсак, такрор ёғма, ёмғир!
Айтишга шум хабарни доим хижил эфирлар,
Берганда радиодан ахбор, ёғма, ёмғир!
Боғлай умид, Собир, кун энди яхши келсин,
Бас энди, илтимос шу: бир бор ёғма, ёмғир!

Баъзи бир «ҳофиз»ларга

«Аршини нордон суриб кулфатни
давно тортадир...»
(*Бир тўйда эшитганимдан*)


Дод!.. «Ялла» атаб отини — фарёд қиласизлар,
Фарёдки, кими бу яла сиз шод қиласизлар?!
Сўзларни улаб бир-бирига, куйга солиб, оҳ,
Кўзларни бўяб, «қайтадан ижод» қиласизлар!
Қандоқки, ғазал номини булғаб ҳамма ерда,
Андоқки, қўшиқ отига иснод қиласизлар!
Қилмай ҳаракат билгали, тахмин ила «боплаб»,
Билмай, «билағон»лик ила барбод қиласизлар!
Тақлид ҳам эмас, эплама, бўҳтон деса ростгўй,
Танқад элидан сўнгра койиб, дод қиласизлар!
Тузсиз, мазасиз, енгилу елпи «ғазал» айтиб,
Юз мақтов ила куйга солиб, ёд қиласизлар!
Бечора қўшиқ номини булғаб эл ичинда,
Не чора, бузиб, «янгича» бунёд қиласизлар!
Биз сизга десак яхши, равон шеъру қўшиқни,
Сиз бизга кулиб, «эскича авлод» қиласизлар!
Собирни билиб шунчаки бир кичкина шогирд,
Шоирлик учун даъвои устод қиласизлар!..

Мудом ростингда тур

Топмади ёлғончи ёлғон, сўзлади ночор рост,
Қийнаб ўз жонини, сўзлаб умрида бир бор рост
Рост сўз айтди ва лекин кимса бовар қилмади,
Қилди ёлғончи тилда қадрини бекор рост.
Ростгўй бўлмоқчи бўлди, терлади, пишиди чиқиб,
Ўхшади ёлғонга рости, қилса ҳам такрор рост.
Бир умр ёлғонни бошлаб, жонга ором йстаган,
Бу таажжубким, қилибдир ихтиёр изҳор рост.
Ул кечиб ўз роҳатидан, рост сўз айтмоқ бўлур,
Қўрқамен, бир кун топар ёлғончидан озор рост.
Ростдан ёлғон осон эрмиш бировлар наздида,
Келса кор ёлғон аларга, не учун даркор рост?..
Бор эрур ёлғонфурушлар, ризқ учун, обрў учун,
Бу каби жазман харидорга касод бозор рост.
Бошда гар турса қилич, Собир, мудом ростингда тур,
Мингта ёлғондан улуғдир тилда бир иқдор рост.

Нозигим

Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
Гапда таманно-таранг, «мен ўламан» нозигим.
Кўз сузилиб қошгача, олифталик бошқача,
Уйда эри ош қилиб, ухлади у ошгача.
Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
Уй ишидан сўз очманг, «мен ўламан» нозигим.
Биттаси битмай ҳали, янгисининг жанжали,
Езда кўнгил қор тилаб, қиш кунн мирсанжали.
Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
«Мода чиқипти» десанг, «мен ўламан» нозигим.
Уй полини эр артиб, «маникюр кетар!» деб,
Шўрва қилар бир қозон, эртага ҳам етар деб.
Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
Қоматини мақтасанг, «мен ўламан» нозигим.
Чиқмоқ учун кечқурун, у ясанар эрта кун,
Оинанинг олдида ишқаланиб юз, бурун,
Айланаман нозигим, ўргиламан нозигим,
Тегса агар йўлда чанг, «мен ўламан» нозигим.



Муштумчилармиз

Кўринг, саф-саф, қатор «муштум»чилармиз,
Қаламқаш, бахтвёр «муштум»чилармиз.
Ёмонлар сиррини фош айламакда —
Алайна-ошкор «муштум»чилармиз.
Хиёнат аҳлини қўймай савашда,
Халойиққа мадор «муштум»чилармиз.
Ҳаромхўрларга биз донм кушанда,
Ҳалолхўрларга ёр «муштум»чилармиз.
Йўлиқса бизга ахлоқи бузуқлар:
Ёзишга бадхумор «муштум»чилармиз.
Хурофот аҳлига йўқ бизда шафқат,
Шудир бизнинг қарор: «муштум»чилармиз.
Кимики бўлса нафс овораси, бас,
Келур бизга дучор, «муштум»чилармиз.
Агар ким ҳовлиқиб, ҳаддидан ошса:
Қилармиз шармисор, «муштум»чилармиз.
Қилиб ҳажв, кулдириб ҳам йиғлатармиз,
Бу бизнинг касбу қор, «муштум»чилармиз.
Бировларга агар «қиш»дек кўринсак,
Бировларга баҳор, «муштум»чилармиз.
Бу касб бизнинг гуруру фахримиздир,
Дили соф, беғубор «муштум»чилармиз.
Оқарди сочи Собирнинг сэйишда,
Ёзишда барқарор «муштум»чилармиз.

Давангир

Кўрдик бозорда гоҳ кун, гоҳ субҳу шом давангир,
Санқиб тиланчиликда ризқи ҳаром давангир.
Ким иш буюрса кўнмай, «носоғ»лиги баҳона,
Сўз англамас, қулоғи гўёки том давангир.
Оти змиш «Сулаймон», хэлқ дер уни «сўлаҳмон»,
Иккинчиси муносиб унвону ном давангир.
Қифтида тоғ кўтаргай, лекин юрак йўқ унда,
Ўз «роҳат»ига пишиқ, меҳнатга «хом» давангир.
Тирсиллагай вужуди мешкоб каби, чарм тан,
Шаброн десак қилиб ор, дейди хирмон давангир.
Ҳамёнга пул йиғилса, майхонага чопар тез,
Ҳеч ичмаган кунни йўқ, доим қиём давангир.
Бир касб қилса эплар: фаррош ёки ҳаммол,
Токайгача саланглаб, айлар давом давангир?!
Ё борми жонда қасди, бу жонига раҳмсиз,
Олмоқчими ўзидан ё интиқом давангир?..
Қўл чўзди у қилиб дўқ: «Бир сўм чўзинг?» дегандек,
Қилмас алам кишига, берса салом давангир.
Ошхонада ўтирсанг, шилқим у ерда ҳозир,
Жаҳли чиқар, узатсанг нону таом давангир!
На кекса-ю, на мажруҳ, ҳам солпа-соғу, ҳам ёш,
Пул бандаси давангир, нафсга ғулом давалгир.
Шафқат эмас, газабдан ёздим бу шеърни, Собир,
Ақлинг йиғиб, ҳаётинг қил эҳтиром, давангир!

Маҳалла «балоҳўр»и таърифида

Айтди қулоғимга биров, гар бўлса ер ўн бор палов,
Нафси бузуқ, қорни сулов, хушфеъл бир одам бор эмиш.
Гоҳ салла бошида таранг, гоҳ маст юрар у бош яланг,
Сиз унга гап ташлаб қаранг, эски туллак, маккор эмиш.
Кундуэлари чайқов қилиб, алғов қилиб, далғов қилиб,
Ҳар кеч текин ош оя қилиб, чиқса тугун: тайёр эмиш.
Топса текни гўшту гуруч, қилгай ўша ерда хуруж,
Келса ҳайит: чалпакка ўч, ҳам иштаҳоси гор эмиш.
Туб жойи чойхона, гузар, ўрдак бўлиб балчиқ сузар,
Бўхтон тўқиб, ғийбат тузар, ҳар донино бекор эмиш.
Бўлса агар хатмихўжа, исни билиб, пойлар кўча,
Халқдан тамакор ўлгуча, бир бетамиз, мурдор эмиш.
Озроқ ичиб, гоҳ эрталаб, закускага лабни ялаб,
Жанжал қилиб, юз юмдалаб, оқшомлари бедор эмиш.
Изғир, борар бозори кўп, халққа берар озори кўп,
Бирни сўкиб, бирни нуқиб, гап тингламас девор эмиш.
Кўнглида найранг қатма-қат, бу элга ёр бўлмас фақат,
Етмайди ундан манфаат, кўкламда ёққан қор эмиш.
Мен раҳм этиб, солсам назар, дейди биров: айланг ҳазар,
Қилсам сўзини мухтасар, тинч халқ учун озор эмиш.
Шундай кишилар бору—оз, йўқдир ҳунар, дони хўроз,
Собир, шулар ҳақида ёз, ўз бахтига инкор эмиш.

Хих, эшагим, хих

**«Шаҳар кўчаларига эшагим
ярашмай қопти!»**

(Бир қолнинг эътирози)

Чўзиб ҳанграшларинг ёқмас қулоққа,
Чиқармасдан садо, хих, эшагим хих!
Кетиб, шоҳ ҳам гадолик юртга боргин,
Минар шоҳ ҳам гадо, хих, эшагим хих.
Қуюшқону тўқим кетсин ўзингда,
Бўлиб мендан ризо, хих, эшагим хих.
Юрар бўлсанг агар асфальтда гоҳо,
Етар халқдан сазо, хих, эшагим хих.
Тушунмайсан «қизил» ҳам «кўк» чироққа,
Тикилсанг ҳам расо, хих, эшагим хих.
Ярардинг хонақо ҳофизлигига,
Топилмас хонақо, хих, эшагим хих.
Бирорта автобус остода қолма,
Кесиб ўтгунча то, хих, эшагим хих.
Ётиб йўл устида, шарманда қилма,
Қилурман илтижо, хих, эшагим хих.
Сотишга топмадим жазман-харидор,
Аё э, бебаҳо, хих, эшагим хих.
Шаҳар қилмай вафо, хих, эшагим хих,
Сурилдинг мутлаҳо, хих, эшагим хих.

Даштдек қуриғу ҳосили янтоқ...

Даштдек қуриғу, ҳосили янтоқ дея қолдик,
Бормас тилимиз дегали ўртоқ дея қолдик.
Гажжак тушириб икки бетидан нягига,
Сочи хезалак нусха-ю, бўйдоқ дея қолдик.
Хитмиз ҳаммамиз, тушса агар кўз башарангга,
Мушкул чигалу, тескари жумбоқ дея қолдик.
Кўрганда салом қаида, ғўдайдинг кўча-кўйда,
Гар тушса ишинг: силлиғу юмшоқ дея қолдик.
Уз она тилинг ёт сенга, гаплар тутуруқсиз,
Омухта қилиб жумлани, чўлтоқ дея қолдик.
На суҳбатида маза, на қунт қилган нишида,
Эй, қовжираган пўстағу пўстлоқ дея қолдик.
Санқиб кечалар, кундузи лоҳас, ниши ёнбош,
Оғзида ошу кўзлари ухлоқ дея қолдик.
Меҳмонга борар, ўртага ташлар ўзини сўнг,
Йўқдир кишилик моҳияти, қоқ дея қолдик.
Бешарму ҳаё, масхара, мужмал демасак ҳам,
Халқнинг кўзида бачкана, тўмтоқ дея қолдик.
Ҳозирги замон ёшлари севдан қилинар ор,
Ақлигини йиғиб, теграга бир боқ дея қолдик.
Қилмоқда ҳазар сен кабилардан маданнат,
Эй, бетамизу жумла қурумсоқ дея қолдик.
Шаънингга ёзиб Собир агар, қилса киноя,
Биз ҳам қўшилиб, ҳиббиму қўрқоқ дея қолдик.

Бўлмаса

Тўй демас эл чап-чапу қандин нишолло бўлмаса,
Писта, бодоми билан то лавз ҳалво бўлмаса.
Ошда кишмишу нўхат, устида қази-қартаси,
Заъфаронлик тўй ошининг ранги тилло бўлмаса.
Базмлар бечкилик, чойнакда кўк чой доғ келиб,
Ҳамма ҳушёр, шоду хуррам, масту ғавғо бўлмаса.
Икки жуфт созанда, бир жуфт яллачи санъатчилар —
Бўлсалар, аммо бу санъат пулга савдо бўлмаса.
Баъзи тўйларда ичимлик бўлмаса, у «тўй эмас!..»
Ухшамас эрмиш агар усталда вино бўлмаса.
Ичкиликнинг нави кўп дунёда, винодан бўлак,
Рому коньяк, водка-ю бир бочка вино бўлмаса.
Бўлмагай қарадору афғор баъзи тўй қилган киши,
Бу каби ортиқча сарф — мушкул муаммо бўлмаса.
Бўлди урф бу ичкилик қургур қаердан, оҳким,
Еғилур гўё маломат тошин, ижро бўлмаса.
Ичкилик бор тўйда йўқдир нозу неъмат қиммати,
Тўй деган мазмун қани, то яхши маъно бўлмаса.
Чин, ҳақиқий санъат аҳли ичкилик бор ерда йўқ,
Баъзи бир «санъатчи»лар бормади асло, бўлмаса.
Ичкилик бор тўйда не бўлсин ҳаловат, Собиро,
Тўй эмас, мастбозликлардан мусаффо бўлмаса.

Тўйхона маст

*(Тожиқ шоири Тошхўжа Асирийнинг «Маст»
радибли ғазалига назира)*

Тўй кечи тўйбошидир маст, тун бўйи тўйхона маст,
Ҳовли маст, гулзор масту қаср ила қошона маст.
Тўйда хизмат қилгани бел боғлаганлар маст-аласт,
Айланиб лампочкалардан, чарх урар парвона маст.

Қийшайиб созандалар маст, кайф билан қилпаглашар.
Ўртада турмай оёқда, рақс этар жонона маст.
Тор маст, чирманда маст, най ҳам дутор маст шунчалар,
Созлар носозу куйлар пойма-пой, жаврона маст.

Ҳиммати жўш урди бир валломаги мастлик билан,
Қиятириб, айрилди пулдан тўйда шўрпешона маст.
Тўй эмас, майхона гўё, кўлчилик халққа малол,
Қанчалар шўхона шовқин, қанчалар журмона маст.

Номига тўйдир ва лекин беҳаёлар базимидир,
Қийқириб, ҳушёрларнинг бошидан ардона маст.
Эру хотин маст бўлиб, бошланди жанжал, юз юлиш,
Хотини зайфона маст бўлса, эри мардона маст.

Баъзилар кайф бирла шоду баъзилар бадмаст тажаниг,
Баъзилар ичмоққа ҳожатманду муштоқона маст.
Маст бўлиб, нонини тепар сочи узун, найнов йигит,
Тўрдаги ҳурматли меҳмон кеккайиб, шоҳона маст.

• Биттаси тушса ўйинга катфи голиблик билан,
Тўнқайиб, ухлашни истар битта мағлубона маст.
Биттаси кулса шарақлаб беўрни, мастлик қилиб,
Ўтириб йиғлайди четда бир дили вайрона маст.

• Ичкарида соч юлиб йиғлайди тўйнинг бекаси:
— Берди бундай маслаҳатни, қайси бир девона, маст?!
Шу каби тўйларга боргандан, ўтирган яхшироқ!
Қир қилур таъбингни, Собир, завқ учун бегона маст...

Бир ҳаммаҳалламга

Чайқоа озорида улгуржи мол билан
тумшугидан илиниб, ўғрилиги билиниб,
ўлжалари шилиниб, судда ҳукм қилиниб,
маҳалладан оёғи тийилган бу одам, сочу
соқолига оқ оралаб «қўйдан ювош, мусича-
дан увол» қисефада маҳаллада мўралаб,
яна чайқовга шўнғиди.

*(Бу газални ўша ҳаммаҳалламга бағиш-
лайман)*

Хомуш ҳам паришон? Сиз энди нега жимсиз?
Чандир эдингиз аввал, ҳал-ҳал пишиб, ҳалимсиз?..
Йўқдир гримга ҳожат, бас айлагач «фокус»ни,
Кўз боқчилик бўлиб фоиш, юз кўрсатиб гримсиз.

Тушмай узангидан сиз, гўёки сирни бермай,
Аввалда ким эдингиз, ҳозирги кунда кимсиз?
Сархона—бошингизда сассиқ тутун буруқсар,
Кўкси қурумга тўлган найсиз, синиқ чилимсиз.

Куч кетди, соч оқарди, изғишга қайда қувват.
Куч борлигида, аттанг, хўп елдингиз тинимсиз.
На касбу, на ҳунар бор, меҳнатда «белаёқат»,
Ҳам калтафаҳму нодон, боз устига илмисиз.

Ғолиб келибди сафро, кўз тинди, айланиб бош,
Тиришда юз-юзингиз, бағри тилим-тилимсиз.
Бош қотди «бахт» ёпишмай, «омад» учун сирач йўқ,
Пайт келса, чип-ёпишқоқ чайқовчи бир елимсиз.

Олмаг қулоққа сўзни, айтганда, эй «огайни»,
Келманг яқин, узоқмен, сиз па огам, инимсиз.
Кўрганда кўча-кўйда аҳвол сўрса ҳар ким,
Қаққайдингиз жавобсиз, жимликда лому мимсию.

Бу кимга зарда? Тўғнаб, мол ёғидек қовушмай,
Кун тегмаган фалак ё ёғ кўрмаган чармсиз.
Қўлтиқда тўртта жимпир, хушфеълсиз бозорда,
Аmmo маҳалла-кўйда ўлгунча бадҳазмсиз.

Ишланг, ҳалол топиб нон, албатта ҳол-бақудрат,
Собир десни, кўришгач: бедоғу бежиримсиз!..

Қор ёғсанг-чи

(Табиатга ҳазил)

Утар қиш чилласи, кўнгул учун, эй қор, ёғсан-чи,
Самога эл тикиб кўз, дейди: беш-ўн бор ёғсанг-чи!
Ҳавонинг иссиғидан кўп дарахт уйғонди, пих ёзди,
Яна қолганлари ҳам бўлмасин бедор, ёғсанг-чи!

Ҳарир—оқ киймади бу ўлка декабрда, январда,
Кечикдинг! Энди февраль ойи, бемиқдор ёғсанг-чи!
Шу кунлар ёғмасанг, март ойи ёғмоқдан печук фойда,
Ёғиш кўкламда, эй қор, наф эмас, озор — ёғсанг-чи!

Қилиб қиш қишлигин ҳар фаслнинг ўз мавқеи бўлсин,
Сенам ўз мавқеингни фаҳм этиб, ҳушёр ёғсанг-чи!
Оқармоқ ўрнига ер усти кўм-кўк, бир қариш буғдой,
Кутар деҳқону майдон, боғбон, гулзор! Ёғсанг-чи!

Ёғишнинг фурсати! Вақт ўтмасин, ёғ хаби сингиб,
Шу фурсат ёғмасанг, ёққанларинг бекор! Ёғсанг-чи!
Ёзиб мен «қорхат», ҳеч кимга тапшюлмай, кутай тоқай,
Зиёфат ундириш сенсиз ямиш душвор, ёғсанг-чи!

Агар сен ёғмасанг, деҳқончиликнинг не бўлув ҳоли,
Қилиб деҳқону боғдорларни миннатдор, ёғсанг-чи!
Агар тоғларда сен турсанг, миробнинг кўнгли тўқ то куз,
Камаймасдан кўпайгай сой, сув омбор, ёғсанг-чи!

Сенинг ёққан кунинг эл ичра шодлик, муждалар тарқаб,
Таралгай ҳар томон, ҳар ёнга хуш ахбор, ёғсанг-чи!
Улар қурту ҳумурсқа ях билан, бошлаб агар ёғсанг,
Ёғилмас мевазорга шира! Сен даркор! Ёғсанг-чи!

Яқинлашди баҳор ҳам, айни лайлақлар келар вақти,
Баҳор келмай туриб, келгунча лайлақ қор ёғсанг-чи!
Сенга фармон беришга кимда ҳад? Ёзмас эди Собир,
Бутун халқ номидан ёзди буня ночор! Ёғсанг-чи!

Баъзи «мунаққид»лар ҳақида

Кўпроқ асар ёзсанг, дейдир: мунча оз,
Озроқ ёзар бўлсанг, дейдир: кўпроқ ёз.
Оз ҳам ёзмасангу кўп ҳам ёзмасанг,
Мажлисида мунаққид қилмас эътироз.

Номардга муҳтожлик таърифида

Ноғиҳон номардга тушганда ишим,
Тинглаб ташвишини, ортди ташвишим.
Шундай номардларга бўлмасин муҳтож,
Хоҳ узоқ кишиму хоҳ яқин кишим!

Ўз манфаатини кўзловчилар ҳақида

Бировлар зарарига бир «одил» ҳакам,
Ўз нафини кўзлаб, демиш: мунча кам?..
Бундай ҳакамлардан турсинлар йироқ:
Бўлсин хоҳ акаму бўлсин хоҳ укам!..

Бетоқат кишилар ҳақида

Бор унда ҳар ишга журъат, лаёқат,
Дуч келса кўрсатиб дўстга садоқат.

Аммо бир айби бор, қишу ёз тажанг:
Ёз келса оромсиз, қишда бетоқат..

Шеърятдан бебаҳралар ҳақида

Балянд мақом жойдир у ўлирган жой,
Шеърга ҳеч хуши йўқ, шоирга равдой.
Еб турган понини мақтаб, сўрасам:
Қавшаниб сўзлади: Алишер Новвой!..

Музикасиз музикашунос ҳақида

Таншдик, мен деди музикашунос,
Мақтанди, мақтовга кийдириб либос.
Дедим: Қайси создан хабарингиз бор?
Деди: Соз чадмаклик созандага хос!..

Т у ю қ л а р

Лутф этиб ағёрға ёзган номани
Кўрсатиб, куйдирди у барно мани.
Мен уни доно десам, нодон экан,
Уртагайми бўлса у доно мани.

Сайр этиб боғ, ёр олса олмани,
Бош эгиб нашвати ҳам дер: ол мани!
Ноумидликда мудом лоқайд эдим,
Ваъдаи васл айлади фаол мани.

Базм аро рақс этди дилдор, ўйнади,
Зулфи тори узра дил дор ўйнади.
Санчса ҳам қалбимга наштар шонаси,
Қайтмади бу дил, дадил дор ўйнади.

Номини сўрсам, кулиб, «Суқсур», деди,
«Ўйнасанг ишқ, бўлмагил суқ, сур», деди,
«Лола гаштини суришини истасанг:
Мен билан бирга бориб Сўх, сур», деди.

Қир оша, йўллар кеза, сувлар кеча,
Севганимнинг ёнига етдим кеча.
Васли тонгига етиштурди мени,
Неча-неча уйқусиз ҳижрон кеча.

Тун совуқ, манзил эшиксиз, ромсиз,
Ўтказиб бир кечани оромсиз,
Келган эрдим сизни ром этмоқ учун,
Оҳким, ҳеч бўлмадингиз ром сиз.

Бўл баланд парвоз, қанотинг ёз, қалам,
Шеърга пардоз боғла, тинмай ёз, қалам.
Тўрт фаслда ёз, яъни куз ва қиш,
Сен учун айниқса кўклам ёз, қалам.

Қанча жон қилсам фидо, ёр оз дегай,
Ишқ дардини чекишдан оз дегай.
Ишқ йўлидан оздирини истаб рақиб:
Бошқа йўл топ, ишқ йўлидан оз дегай.

Дилбарим чиндан қилиб ёрлик менга,
Аҳду паймонин қилур ёрлик менга.
Эл ичида бўлгуси у шармисор,
Қилса ишқда кимса ағёрлик менга.

Рубоийлар

Кундуз ила тун бўлса тарози, не ажаб,
Кундуз ила тун қисқа-дарози, не ажаб.
Ким кўрди узум умру вале сурмади давр,
Ким сурди ҳаёт даврини, ози не ажаб.

Андиша эли босса тарози ҳамма вақт,
Андишаси йўқ дағдаға, бози ҳамма вақт.
Ҳар кимнинг посангиси агар тенг келса —
Дўст бир-бирдан хурраму рози ҳамма вақт.

Бордир кишилар, қилганини пеш қиладир,
Иш қилса, «хўжам кўрсин» учун иш қиладир.
Дўстона сўзинг бирла асял бахш этсанг:
Душман тушуниб, тил чиқариб, ниш қиладир.

Номард кишини дўст тутиниб, сир айтма,
Покиза дилинг сўнгра қилур кир, айтма.
Бил қалбини, мард бўлса, билиб, дўст бўлгин,
Сўнг унга сиринг минг йўла айт, бир айтма...

Виждонни, биров борни, жиғилдон тушунар,
Илсофга солиб соп, ани кетмон тушунар.
Қориндан алиф чиқмаса не тонг ўшанинг,
Қиммат ўзи-ю, ўзгани арзон тушунар...

Баъзи киши бор, сафсатаи фалсафа дер,
Баъзи киши бор, фалсафани сафсата дер,
Камтар кишилар фазлини элдан ёшуриб,
Бор, битта билимсиз «мени фозил ата!» дер...

Бор, фисқу фасод «қасб»ига мағрур кишилар,
Сир олмоқ учун юз буралиб, манг эшилар.
Ким бўлса ҳасадгў-ю ғаразгўй охир
Халқ нафратидан лаънати кўкси тешилар...

Рубойнома сатрлар

Бордир кишилар, сўзни дароз айлашади,
Қўракка уриб, қўлни жувоз айлашади.
Бошқа ҳаммани «жўжаҳўроз» деб аташиб,
Ўзни лакани, катта хўроз айлашади.

Бордир кишилар, гапга чечан, ишга нўмоқ,
Езга суюги йўғу вале қишга нўноқ.
Тортишга тузук ўзи кумочига кулу,
Дўст мушкулни ўртада тортишга нўноқ.

Бордир кишилар, гинани қоп-қоп қилишар,
Гап тарқатишиб, йўқ нимани лоф қилишар.
Ундай кишига аста узатсанг, яхши,
Бермай қани кўр, мўйловини шоп қилишар.

Бордир кишилар, фитна-фасод дўндиришар,
Қўрқоқ кишини йўлларига кўндиришар.
Иғво қилишиб кийса биров янги либос,
Тупроқ сочишиб, устига гард кўндиришар.

Бордир кишилар ризқни текин ахтаради,
Дўстлар уйидаи ўзига ин ахтаради.
Ўз эшигига калласидек қулфни уриб,
Сўнг қўлни ювиб, ош эшигин ахтаради.

Бордир кишилар ичса-ю, кайф айласа бас,
Ёддан чиқадир оила, иш, орзу-қавас.
Титрар танаши кўрса ароқ шишасини,
Сакрашганидек сув бетнда хор ила хас.

Бордир кишилар хотини ила «жамг» қилишар,
Шовқин солишиб қўшнилари танг қилишар.
Маҳмонлар агар бўлса қўни-қўшнисиди,
Келганларига минг йўла аттанг қилишар.

Бордир кишилар савлати зўр, фикри саёз,
Йўқ манфаати халқ учун, қилмиши ноа.
Санъат нима-ю, завқ нима — баҳраси йўқ,
Даъвоси унинг «шеърлараст, нағманавоз...»

Шундай кишидан сақлагани айлама дуч,
Жонини у вақт қайга қўяй этса хуруж?..
«Муштум»га ёзиб шу кишилар ҳақида кўп:
Бир вақт қарасам, соч-соқолим мош-гуруч.

«Қўлбола рубоий»лар

Ул дўстки, мени соғинару ёд айлар,
Соғинтирару гоҳи келиб шод айлар.
Ул баъзисининг дўстлигида ваҳмим кўп,
Гар тегмаса наф мендан анга, дод айлар.

Ер улки, менга умр бўйи ёр ўлсин,
Паймонида ул токи ҳаёт бор ўлсин.
Ўлмай туриб ул аҳдини бекор этса,
Ўз аҳди каби бурди кетиб, хор ўлсин.

Чин дўстдир агар жисмаро жондир ул,
Жондан ҳам азиздир, қадрдондир ул.
Бор баъзи қадрдонки, касал деса қочиб,
Сен соғсану тўрдаги меҳмондир ул.

Ул дўст дема тўғри сўзинг ёқмаса гар,
Текканда «амал» сўнгра кулиб боқмаса гар.
Ўт баҳридану истама-ю қоқма эшик,
Йўқлаб сени гоҳ-гоҳи эшик қоқмаса гар.

Ҳар мевали шох тик турадир фўрлигида,
Фўр бўлса киши, кўр уни мағрурлигида.
Фўр мева пишиб, ерга эгилди боши,
Ул қолди ғурур бирла ҳамон фўрлигида.

Ҳар сунъий ҳуси остида нуқсон ёшурун,
Чин ҳуси удир, маъни тўла кон ёшурун.
Гар асли гўзалдир, бўймоқ ҳожати йўқ,
Гул очмади ҳеч боғу гулистон ёшурун.

Бебаҳра киши «шеър иши осон» дер эмиш,
Илҳом не десанг «Қавлаб олар кон» дер эмиш.
Билган кишилар шеър ёзиш меҳнатини:
Қиприк—қаламу қалб—снёҳдон дер эмиш.

Ишқ булҳаваси воқиф эмас ҳижрондан,
Қайдан кечадир васл йўлида жондан?..
Нақд бўлса висол унга топилган чақадек,
Бу ёки у ёр, эрта бўлак жонондан...

Бир текинхўр таърифида

Ош текин бўлса бас текинхўрга,
Чикса пул ёнидан, хуноб бўлади.
Лаққадек, асти тушмагай тўрга,
Қолса оч бир нафас, хароб бўлади.

Бўлса тўқ, қоринни сылаб, дейди,
Кўнгли бир нарсалар тилаб, дейди,
Нонни қаймоқ билан белаб, дейди:
— Орқасидан ошу шароб бўлади!..

Борса меҳмонга у кўзи тўймай,
Тўйса ҳам оч кўзи, ўзи тўймай,
Келса ҳам қовурилиб кўзи, тўймай,
Дейди: — Бир қўй яна кебоб бўлади!..

Эл гами йўқ дилида, виждон ҳам,
Айшу ишрат бу шахсгадир маҳрам,
Уйқу авжи мудом «саъти ажам»,
Эснаса оғзи бир таноб бўлади!..

Олгани кўнгли кенгу бергани тор,
Яхши сўз эшитишга оила зор,
Рўзада ахтарур текин ифтор,
Бор баҳона: «Есанг саноб бўлади!..»

Уйламай халқни, бир ўзини ўйлаб,
Кеккайиб, ҳовлиқиб, бураб мўйлаб,
Кечалар пул санаб туриб хуйлаб,
Ешурунча ҳисоб-китоб бўлади.

Эгри ишга у қанчалик моҳир,
Қирдикори кейин бўлур зоҳир,
Қўлга тушгай у бир кунни, Собир,
Ундай «роҳат»лари азоб бўлади.

Десам, деди

Ухлама кўп, зарар десам,
Мунча сўзинг дагал, деди,
Ишламасанг агар десам,
Берма менга халал, деди!

Чайнамадинг еганда ош,
Балки гуручда майда тош!
Чайна дуруст, жигар, десам,
Сўзлама ош маҳал, деди.

Борми ҳаё, сўрашга пул,
Сўнг келасан ичиб нуқул!
Қултуми ҳам заҳар десам,
Кулди, менга асал, деди.

Тенгу тўшпиг ўқиб одам,
Олға мудом босар қадам!
Ҳаммага сол назар десам,
Қўй мени тинч бу гал, деди.

Фаҳму фаросатинга, вой,
Ейгани элга ноқулай!..
Шунча гапим етар десам,
Гап эмас, у масал, деди.

Тўпла ҳушинг, ўзингга кел,
Ойнага боқиб, тикил!
Эл қиладир ҳазар десам,
Солди қовоқ, сўгал, деди.

Еш кишисан, ўзингга боқ,
Сенга лақаб эмиш «саёқ!»
Урганиб ол ҳунар десам,
Қистама, мен касал, деди.

Мен дедиму, у ҳам деди,
Қайда ўзига гам еди?!
Ул!.. Сени ер ютар десам,
Мен ила дўст ажал, деди.

Халқ термалари йўлида

Рост сўз қоладир расолигича,
Пок дилда муддаолигича,
Ростликдаги бебаҳолигича,
Ҳам мўътабару даҳолигича.

Елғончи ўзиб, узоқлай олмас,
Халқ наздида ўзни оқлай олмас,
Рост сўзлаши бирла ёқлай олмас,
Қолгай у юзи қаролигича.

Яхшини биров ёмон демас ҳеч,
Нафини деру зиён демас ҳеч,
Йўлини тўсиб, «қаён?» демас ҳеч,
Чин сўзи қолур раволигича.

Кўрганда ёмонни, юз ўргин,
Юқтирма қора, узоқда юргин,
У қолса ёмонлигича: кўргин,
Инсонлигидан жудолигича.

Баъзи кишининг иши хусумат,
Ташвишга қўяр кишини тухмат,
Одам каби гарчи сахт-сумбат,
Ўт сочгучи аждаҳолигича.

Минг шам ёқилиб қуёш бўлолмас,
Қум бархани тоғу тош бўлолмас,
Кўнгли қора элга бош бўлолмас,
Босган қадами хатолигича.

Бор, баъзи биров ҳаромга ўчдир,
Ҳурматга, тскин таомга ўчдир,
Мақтовга, ширин каломга ўчдир,
Ўз нафсига мубталолигича.

Бўлсин бино пойдевори маҳкам,
Ички безатини ўйлагин кам,
Иш бошида бўлу чекма сўнг гам,
Қолгай қуламай бинолигича.

Қилганда хато тузат уялмай,
Дўст танқидини кўнгилга олмай,
Халқнинг ичида уятга қолмай,
Қолдирма ишинг хатолигича.

Учмоқ тиласанг, баланд ҳаво қил,
Фазл орттир, ўзингда кимё қил,
Фазл аҳлини дўсту ошно қил,
Ҳар дардга сўзинг даволигича.

Қадр этки, ўзингни қадринг ортур,
Меҳринг ҳаммани ўзига тортур,
Дўстинг келадир, йўлига бор, тур,
Дўст ҳурмати дилда жолигича.

Дўст дўстини танир огир синовда,
Бир тошга қўйишда бош, тўновда,
Тошқинда, курашда, ўт-оловда,
Дўст дўстига жон фидолигича.

Сўз танла дейишга, сўнгра сўзла,
Ҳар жумла сўзингни хуш рамўзла,
Эл хотирида қолишни кўзла,
Қолдир уни дилраболигича.

Халқ ҳар нимага ҳамиша қодир,
Гоҳ мўъжизакору гоҳ баҳодир,
Кўз сурмаси бу ғубор, Собир,
Ўз қадрда тўтиёлигича.

Етиб кел

(1936)

Тонқобой: (Собир Абдулла)

Яна хат ёзгудек бўлсанг мабодо,
Кетидан сен ўзинг ҳам тез етиб кел.
Хат эмас у, чизиқлар пода-пода,
Табиат хитлигини сез, етиб кел!

Абутанбал: (Абдулҳамид Мажидий)

Қоғознинг устига нусха чизибсан,
Чизиб, гич-гич этиб, гапни эзибсан,
Ўзинг ҳам тер чиқармасдан қизибсан,
Этиб бир-икки кун парҳез, етиб кел!

Тонқобой:

У қўлми, билмадикки ёки тўқмоқ?
Қийин бўлди бирор мазмунни уқмоқ,
Саводми, эгри-бугри эски сўҳмоқ?
Очилди сен учун «лекбез», етиб кел!

Абутанбал:

Езиш қондасининг астаси йўқ,
Қаламнинг бари соғдир, хастаси йўқ,

«Ч» ҳарфи бир ўроғу дастаси иўқ.
Бўлиб темирчи ё дегрез, етиб кел!

Т о н қ о б о й:

Отанг темирчими, гапни чўзибсан,
Чизиқларни йигиб, жумла тузибсан,
Саводни яхши судраб, хўп бузибсан,
Уялсанг, қил юзингни без, етиб кел!

А б у т а н б а л:

Езилган ҳамма ҳарфинг бир муаммо,
Бу — ҳарфми, вақт сарфми ё мусаммо,
Тушунмоқ бўлди кўп душвор! Аммо
Ўқилганда ўзинг тур, тез етиб кел!..

Т о н қ о б о й:

Чувалчангдан ясаб «С», «О» ми, ҳалқа?
Бўлибдир барча ҳарфлар шалҳа-шалҳа,
Тақадан «П» ясаб, ҳар нуқта—соққа,
«Ғ» ёзмай, битта тўқмоқ чиз, етиб кел!

А б у т а н б а л:

Хатинг бад, маънисига етса бўлмас,
Будир мақсуди, деб ҳукм этса бўлмас,
Хатинг ҳар ерда қолиб кетса бўлмас,
Тур ўрнингдан, бўлиб нимҳез, етиб кел!

Т о н қ о б о й:

Фузулий айтганидек, «кўз» бўлиб «кўр»,
Яна бир ерида «зўр»ни ёзиб «тур».

Узинг хом, жон уха, ёзганларинг гўр,
Саводга янгилик киргиз, етиб кел!

А б у т а н б а л:

Тўлиқдир ҳар қоғознинг орқа-олди,
Уқишда кўз тиниб ҳам тинка толди,
Тушунтирган эдик-ку, қайда қолди?
Қилар ундан кўнгил без-без, етиб кел!

Т о н қ о б о й:

Қоғоз дод деб, ёқасин қипти пора,
Қаламда йўқ гуноҳ, аммо на чора.
Қўлинигга тушганидан бора-бора,
Уялгани эмас бежиз, етиб кел,
Езиб, сўнгра яна тақриз битиб кел!

Танқиддан кейин

Дўстимни танқид этдим,
Бошим балога қолди,
Ҳақ сўзни деб, «қойтдим»,
Таъбим сиёга қолди!

Аввал кулиб мулойим
Сўзлашгай эрди доим,
Сўзида пойма-пойим,
Мотамсарога қолди!

Берсам салом, алиқ йўқ,
Киприкларин қилиб ўқ,
Елғиз топиб, қилар дўқ,
Қун илтижога қолди!

Жилмайгани киноя,
Ўч олса бериоя,
Дуч қилса минг балоя,
Шу ошнога қолди!

Борса олиб қаерга,
Машивасида бирга,
Ўтганда боқди ерга,
«Такси» кирога қолди.

Машгул бўлиб ишимга,
Қўйдим тишим-тишимга,
Дебдир яқин кишимга:
«Сўзлаб, хатога қолди!»

Аmmo ўзи ҳамиша,
Ушлаб қўлида «теша»,
Танқидни эша-эша,
Қўплар жафога қолди!

Ишлар эдим «қўлида»,
Икки кўзим йўлида,
Энди қолиб сўлида,
«Дардим» давога қолди.

Халқ олдида ширин сўз,
Ер остидан тикиб кўз,
Сўз ўзгача талаффуз,
Ишлар имога қолди!

Ўз «хоҳишим»ни кутди,
Арзамга кўзни тутди,
Дўсти эдим, унутди,
Қадрим гинсга қолди!

Танқид топиб ҳақиқат,
«Дўстим»ни қилди диққат,
То бўлгунча ҳақиқат,
Собир азога қолди.

Эски мактаб ва «жинни» Али хотираси

(Ешлик эсдаликларидан)

Маҳаллада эски мактаб бор эди,
Биз куп эдик, мактабимиз тор эди,
Бир тор эмас, балки зулмат ғор эди,
Домламининг таълими озор эди.

Дин, хурофот «даврон сурган» бир палла,
Зеднимиз хит, кўнгул хира, хум калла,
Хум каллага қўнқайтириб оқ салла,
Қаршимизда хипчин билан дор эди.

Кун кўринмас, осмонимиз туманли,
Балоғатга етиш-етмас гумонли,
Устозимиз бўлса эшахсимонли,
Ушқирishi доим «хару хор» эди.

Ғирт саводсиз, фазли ҳам йўқ тариқча,
Қўл ювса у ҳазар қилар ариқча,
Нафси аждар, лунжи эски чориқча,
Тутун чиққан туйнуқларга ёр эди.

Исми поки қорибоши Мирқамбар,
Ўзи судхўр, топган пули чил-чамбар,
Пайшанби кун нон тўплагай бир замбар,
Сўхбатини сўрсанг музу қор эди.

Мактабхона ертўладек зах эди,
Ёзда сассиқ, қишда эса ях эди,
Халфа қори аҳмоғу аблаҳ эди,
Беҳуда сўз оғзида қайнар эди.

Кимнинг тўни янги, иши саз бўлиб,
Домласидан ҳурмату эъзоз бўлиб,
Унга дўғу дағдағалар оз бўлиб,
Айтганлари ҳаммаси тайёр эди.

Кимки фақир қамчи синар бошида,
Обрўси йўқ домласининг қошида,
Бунга сабаб кундаги нон, ошида,
Нон ила ош ташимаган — хор эди.

Беш йил ўтиб, бўлди тамом ҳафтияк,
Эт ёпишиб пўстга, кўринди суяк,
Ухлар эди домла тутамлаб ияк
Чекмиши банг, ичмиши кўкнор эди.

Бош эмас у домлада, хом ошқовоқ,
Биз бу ўқиш йўлида беиштиёқ,
Шовқину сурон билан ёдлаб сабоқ,
Рости шуки, кимга у даркор эди?..

Қатлама ҳам ёғли патир порамиз,
Яхши кўринмаклик учун чорамиз,
Келмаса шу, чаккамизни ёрамиз,
Домла муғамбир эди, айёр эди.

Шифтда осиглиқ ҳамма вақт дор-палак,
Унга осар бизни бу хотин талоқ,
Биз болалар сайрашиб худди ялоқ,
Уртада у домла-кўпансор эди.

Рўза келиб, қизиди «бозор шаб»и,
Чиқди томошага Али ҳам Наби,
Турмадилар хатмида бизлар каби,
Бу кечада ҳамма бола бор эди.

Эртаси кун аста кириб келдилар,
Домла тутиб, усти бошини шилдилар,
Иккисининг ҳам танини тилдилар,
Унга чидаш кўпгина душвор эди.

Дард чекишиб, ёшларини тўқдилар.
Сўнгра тикан устида тиз чўқдилар,
Ичларида домлани хўп сўқдилар,
Утди ою, иккиси бемор эди.

Она сути оғзида, бизлар сағир,
Кўп урилиб, бошу бўйинлар яғир,
Ўқиш оғир, хизмати ундан оғир,
Мақтабидан ҳар бола безор эди.

Домла қилиб ҳужрада ҳалвойтар,
Бир татиди, сўнгра деди:— баччағар!
Шўр эди, ҳеч йўқ эди қанддан асар,
Жаҳли чиқиб, юзини тирнор эди.

Домла қилай ҳужрада деб бир палов,
Еғни қозонга солиб, ёқди олов,
Ташлади тупроқ қозонга иков,
Иккиси том устида пойлор эди.

Бир кун яна чангиди мўри, ўчоқ,
Домла сезиб, қўйди уларга тузоқ,
Қўлга тушиб Али, урилди узоқ,
Тавба қилиб, ёлвориб, йиғлор эди.



Чангалидан сўнг Али чиқди аранг,
Мияси топди шикваст, бўлди гаранг,
«Жинни» бўлишдан Али аҳволи танг,
Ҳуши кетиб, ҳолати ночор эди.

Еш Алининг бўйнига тушди кишан,
Кўп урилиб, кўп эзилиб ёш бадан,
Шундай эди илгари «тарбия», «фан»,
Мақтаби гўр, домласи хунхор эди!

«Биздан йироқ кетгунча...»

«Сифат эмас, сон даркор!.. Иш борар жадал шунча»,
«Қим орттирса нормадан тақдирлаймиз!..» (Тушунча!)
Пухта деманг, соз деманг, аҳамияти йўқ унча,
«Биздан йироқ кетгунча, эгасига етгунча...»

Туфли олсам: бир пой тор, бир пойи андак катта.
Дерлар: «Тордан ҳуркманг, тор кенгаяр худди латта,
Иссиқ кунда кенг пойи торлашадн албатта,
Биздан йироқ кетгунча, чок-чокидан кетгунча...»

Шим тиктирсам «Горбитга», бир почаси тор келди,
Бир почаси кенг, узун!.. Чунки шошиб бичилди.
Директорга арз қилсам, у афтимга тикилди:
«Биздан йироқ кетгунча, ўз уйига элтгунча...»

Заказ қилсам эшик, ром: топ ташлади қурмасдан,
Хўл тахтаси бужмайди, бир ой қуёш кўрмасдан,
Ҳар томонга қийшайди мастлардек, тик турмасдан:
«Биздан йироқ кетгунча, иморати битгунча...»

Ҳалвофуруш «пашмак» деб, менга похол сотибди,
Қиём тушмай бир мисқол, тол-тол бўлиб қотибди,
Уйга келиб етгунча ун-ун бўлиб ётибди:
«Биздан йироқ кетгунча, ҳафсаласи битгунча...»

Олиб келсам ўтган кун набирамга ўйинчоқ,
«Автомобиль» бузилди гирр этиб айланибоқ,
«Қилич» дастаси синди бирор соат ўтмаёқ:
«Биздан йироқ кетгунча, ёш бола ирғитгунча...»

Набирам учун олсам, ёзда кияр деб шапка,
Телпак ўраб берибди, овора бўлиб гапга,
Қайтиб олиб борсам дер: «Қишда кияр мактабга,
Биздан йироқ кетгунча, очилмай сўлар гунча...»

Қассоб ушлаб ойболта, ўтин эмас, гўшт чопар,
Хотин гўштининг ичидан юзлаб «қилтириқ» топар,
Қассобларининг айбини парча лаҳм гўшт ёпар:
«Биздан йироқ кетгунча, уйга элтиб титгунча...»

Ғижда сотар нон дўкон: усти қизил, ич хамир,
Ушатгандан сўнг кўриб, ушлаб кўрдик бирма-бир,
Пишмаган нон чиқариб, мунча шошмаса ахир!..
«Биздан йироқ кетгунча, қоринни оғритгунча...»

Керак, директор учун «тез бўл, тез, норма, план»,
Халқнинг истезмолига «бўлса-бўлар»лик билан,
Сифат эмас, сон даркор, «план тўлди!» деб чиран,
«Биздан йироқ кетгунча, Муштум уни битгунча...»
Чатоқликлар бор шунча!..

Тўй ҳангамаси

Тўй деганда амманнинг дарди кетди, жон кирди,
Чиқди уйдан ош, сомса, қайтиб икки нон кирди,
Рўзгорим чиқим тортиб, чўнтакка зиён кирди,
Тўй ўзи жуда яхши, сарфлари ёмон кирди,
Кун ўтмай тўйга айтиб қўшни бир жувон кирди.

Уч кампиру тўрт бола, олдинда икки ёши,
Тоғора оғирликдан қинқайиб бўйни, боши,
Тўйхонага етгунча ошликдан чиқиб оши,
Офтобда қатиқ ичган, хотиним қариндоши —
Чарларга чарлаганда шовқину сурон кирди.

Тўй бору ҳаловат йўқ, ўлтиргани жой қайда,
Тор ҳовлида халқ гиж-биж, кошки бу сарой қайда,
Қовурмаси картошка ҳам ошида мой қайда,
Тик турмак ила меҳмон, қочмакка қулой қайда,
Боз устига баэм истаб, тўп-тўп оломон кирди.

Тўйхонада йўқ тартиб, ўн ошпазу юз чаққон,
Келдимми дегучи йўқ, бир четда турар меҳмон,
Ичкарида қий-тўзон, юзлар қилишишдан қон,
Ҳеч ерга сиғишмасдан турганда ҳамма ҳайрон,
Тўйбошини қўлтиқлаб уч-тўртта пиён кирди.

Хуллас, хотиним чарчаб, бир тун тунагач, қайтди,
Тоғораси қўлтиқда, онам ила оч қайтди,
Дастурдони бўш қайтмай, бир қўша кўмоч қайтди.
Тўқ икки саноч борди, бўш икки саноч қайтди,
Тўйда юлишиб қудалар, жанг бўлди, қирон кирди.

Ким тўй деса безиллаб, тўёнага йўқ тоқат,
Тўй ҳам чиқадир ҳар кун, ҳар кун бузилар роқат,
Тўй қилса биров: уйда юз машмаша, ўн кулфат,
Хотин қиладир жанжал, қайнана бўлиб диққат,
Ойликка тушиб рахна, чўнтакка толон кирди.

Куз ойлари ҳар кун тўй, тўй бўлсини соз бўлсин,
Ортиқча чиқим бўлмай, ўз ўрнида, оз бўлсин,
Тўёнаси ҳам енгил, ҳам яхши ниёз бўлсин,
Исрофига қўймай йўл, тўй ўрта мижоз бўлсин,
Бу урф шу кун кирмай тўйларга, қачон кирди?

Тўй бўлсини эл тўйсин, тўлдаи ҳамма шод бўлсин
Тўй номига бўлмасдан, эл завқи зиёд бўлсин,
Ўтмай хўжа кўрсини а, мақсуду мурод бўлсин,
Ойлар ўтиб ундай тўй мақталсини ёд бўлсин:
— Тўйхонани табриклаб, бахт кирди, замон кирди.

Ул йигитни ким йигит дер

Ул йигитни ким йигит дер, дилда ори бўлмаса,
Эл ичида бир йигитча эътибори бўлмаса,
Бесаботу басубут бўлса — қарори бўлмаса,
Иш деса бетоқату ланжу мадори бўлмаса,
Халққа манзур, юртга наф бир кору бори бўлмаса.

Бўлмаса ўз қиммати ҳал этмагай қиймат либос,
Елчямас ҳеч нарсага ким беҳунар, беихтисос,
Йўқ эса, гар аслида хор келмагай юз илтимос,
Айла ёшлик шаънини бу рўдаполардан халос,
Яхшиларга эргашишга ихтиёри бўлмаса.

Бир йигитнинг доғи касри кўп йигитга доғ бўлур,
Юқтирар доғ ўзгаларга, унга ким ўртоқ бўлур.
Этса сайр номард чаманда, гул сўнар, янтоқ бўлур,
Мард йигит кезган биёбон кўкси яшнар, боғ бўлур,
Яъни дил кўзгусининг гарду ғубори бўлмаса.

Кайфидан хурсанд ўзи-ю, ўзгага озорлар,
Учраган ҳар қизга гап ташлаб, ажаб хушторлар,
Одамийликдан асар йўқ беҳаё, бехорлар,
Йўлтўсар бу шум рақиблар, муттаҳам агёрлар,
Қайда билсин ул вафо расмини, ёри бўлмаса.

Кимниким озода қалби эл ғамига банд эмас:
Кимга фарзанд бўлса бўлсин, элга у фарзанд эмас,
Нобакор фарзанд учун бу давр ҳожатманд эмас,
Қилмишидан ўзи шоду ўзгалар хурсанд эмас,
Ҳар нафаснинг дастгиру дастие́ри бўлмаса.

Ул йигитдирким, эл ичра эътибори бор унинг,
Ибратаро хулқи хуш ятвор, ори бор унинг,
Ўзгага кўз ташламас — кўзи хумори бор унинг,
Илму одобу фазилат ошқори бор унинг,
Муддао ҳосил эмас, шундай шиори бўлмаса.

Қор қилмас бўлса танбех, таъсир этмас бўлса сўз,
Уз умид, меҳру муҳаббат боғлаган кўнглингни уз,
Кет йироқ ундай йигитлардан гаҳи тушганда кўз,
Садҳаи панду насиҳат, Собиро, ҳажвингни туз,
Номус-ори нор йигитлар ифтихори бўлмаса.

Бошдан-оёқ нуқсон

Гапир! Қачон сени кўрдим, мудом шошиб турасан,
Гоҳ тиниб кўринарсан, гоҳи тошиб турасан,
Насиҳат айламасин деб узоқлашиб турасан,
Ичишда шох чиқазиб, тўрт оёқлашиб турасан,
Гоҳида ўпишибу гоҳ таёқлашиб турасан!

«Хунар» деса жуда кўп сенда, лек қунтдан йўқ,
Бирини эпламадинг уддалаб, қарашда совуқ,
Енингда хемири йўқ, чўнтагинг ҳамиша қуруқ,
«Яримта ола келинг!» деб яна бериб буйруқ,
Қутишда чорраҳада, аста бош қашиб турасан!

Биров даромадини, кўпми-оз, суриштирасан,
Биров кийинса дурустроқ юзинг буриштирасан,
Чақиб бировни бировга, кейин уриштирасан,
Қилишда ризқни чиқимсиз, ҳазил уюштирасан,
Ошига иштаҳа сақлаб, иноқлашиб турасан!

Насиҳат айласа ҳар ким, шу онда масала ҳал,
Танангни титрашидан зилзиланг бўлиб ўн бал,
Иложни ахтарасан, тингламай кетишга жадал,
Қачон одам бўласан, ёш ўтар, аё танбал?
Ҳануз замонага нозу фиरोқлашиб турасан!

Биров гапирса дадилроқ, сен унга сақлама кек,
Яшайди меҳнат этиб бахтиёр, бу катта-кичик,
Топибди, қандини урсин, бировки, иши йирик,
Ҳасад қилиб сен унга, курулмадинг шекиллик,
Фашинг келиб, аламингдан димоғлашиб турасан!

Муроса деб ўрадинг салла, гоҳ кийиб шапка,
Гоҳи мачитга бориб, гоҳи кирдинг мактабга,
Биров гапирса бировга, аралашиб гапга,
Боришда телбасимон, гоҳи ўнг, гоҳи чапга,
Топилса хатмихўжа — ош қўноқлашиб турасан!

Эсиз-эсиз ҳунаринг, ишларинг қолиб кетди,
Шижоатингга ёғиб дўл, ювиб, олиб кетди,
Заводга учради умрингу «жин чалиб» кетди,
Кимики кўрса сени қаҳри қўзғалиб кетди,
Ҳаёт завқи билан сен видолашиб турасан!

Ч а п а к

Анжуман, мажлис бадан бўлса, анга жондир чапак,
Толса гар мийбарда нотик дори-дармондир чапак,
Чўзгали маърузани вақт ила имкондир чапак,
Ундирад завқ бирла шавқ ҳар ерда, деҳқондир чапак,
Яхшидир, ким чалмасин, рост ёки ёлгондир чапак.

Бечапак ўтган йилни асло йилгига ўхшамас,
Ўйгонур қарсақ билан ҳар дилда бор орзу-ҳавас,
Ўтса тўй базму чапаксиз, жимгина, у тўй эмас,
Шоду хуррамликка кавшар денди халқ қарсақни, бас,
Қайда шодлик баъзи бўлса, унда ҳар ондир чапак.

Лек, бор қарсақчилар... Бефарқдирлар ончинон,
Қарс уриб ҳар сўз учун мушкул, муаммо, ноён,
Ноўрин қарсақ чўзилса, келтирур вақтга энён,
Баъзи концертларда қарсақ устига шовқин-сурон,
Мияни янчиш учун сувсиз тегирмондир чапак.

Ихтиёрдир чапак, тингловчиларда ихтиёр,
Нутқнинг манзурлиги бўлгай чапакдан ошкор,
Бўлмаса манзур агар нутқ ҳамма безор, беқарор,
Нуқтадон ҳушёр бўлса, шунга бергай эътибор:
Эснашиб, жимлик сурад ҳукму пушаймондир чапак.

Бу чапак салбий эмас, ижобий таъсир қуввати,
Қанча қарсак бўлса соз: нотинққа халқнинг ҳурмати,
Саҳналарда юксалур қарсакда санъат шуҳрати,
Шеърят базми аро айниқса қарсак қиммати:
Яхши шоирлар билан дони қадрдондир чапак.

Билмаган баъзи киши, санъат ва ҳурмат қандақа?..
Маърифат йўқ, фикри ундай, усти боши бундақа,
Савлати от ҳуркитар, туртсанг секин, тутгай ёқа,
«Сўзлаши кимга керак, раққосалар чиқсин бақа!..»
Тўртта нодон гар театр кирса нодондир чапак.

Ҳамма ҳам сезса эди ўз мавқен ҳам кимлигин,
Бузмаган бўлгай эди залнинг ҳамиша жимлигин,
Кўрсатиб чалгай чапак гўё яқин ходимлигин,
Дема ходим, бир хушомадгўйлигин, шилқимлигин,
Гар хушомадгўй кўпайса залда арзондир чапак.

Бўлсалар беўпкалар мажлисда қилгай беҳузур,
Яхши сўз, хоҳи ёмон қарсак урилгай зўрма-зўр,
Уйлагай қарсак чалиб, кўрсатса у ўзни «кузур»,
Езмасанг, Собир, хумор босмас, сенинг феълнинг қўзур,
Кўп ошиб меъёридан, кафти напармондир чапак.

Анқов раҳбар, хушомадгўй хўжалик ходими

Танқид кўриб хиёнаткорнинг димоғи куйди,
Ўт тушди режасига, қўйган тузоғи куйди.
Ошни шошиб ютишдан оғзи, томоғи куйди,
Питиллади товуқдек, шошди, оёғи куйди,
Чақнаб кўздан ўтлар, қошу қовоғи куйди.

Кўз чалғитиб ўғирлаш бўлганда фикри ёди.
Қил суғуриб камирдан, урмоқ эди муроди,
Найранг калитларидан ризқ қулфининг кушоди,
Хўб ўрганиб текинга, чиққан экан «савод»:и:
Фикри чувалди бошдан, олган сабоғи куйди.

Йўл қўйди бунга бошлиқ, бўлганлигидан анқов,
Раҳбарни гангиратди «сиз яхши, тўғри, ҳов-ҳов...»
Ёгдек ёқиб хушомад, авж олди мадҳ-мақтов,
Йиллар чўзилди сирлар, йўлга «касал» бўлиб гов,
Қилди иситма ошкор, ўйнаб сўлоғи куйди.

Уйлар эди ҳамиша мен бир ўзим бўлай деб,
Виждон сотиб, пулига қоримни тўйдирай деб,
Бир пул учун ичиб онт чўнтакни тўлдирай деб,
Чаққон бориб «ҳисобот» қолганда улгурай деб,
Чўт донаси адашди, пулининг саноғи куйди.

Мажлисда фош этилди найрангу кирдикори,
Босди тинни солуқ тер, кетди бутун мадори,
Қўздан ўтди бир-бир аиё-ю рўзгори,
Созланди машқи пастроқ ҳам тушди ерга тори,
Бағри туташди бундан, доғ бўлди, оёғи куйди.

Урганда шоти қўймай осмоннинг юлдузидан,
Тўқсовни «сув» қилишга халқ молининг юзидан,
Ким айтса «растрат»дан, бу хавфсираб ўзидан,
Танқид деганда сапчиб, ўт чақнатиб кўзидан,
Дўстлар насиҳат этди, тил толди, жоғи куйди.

Ўз ҳолига яшай деб, аввалда халқдан ажраб,
Кўрсатса тўғри йўл ким, турган ерида сакраб,
Муштумча лойтузоққа сўнгра илинди сайраб,
Ҳасрат алаңгасидан учқун ёпишди сачраб,
Тингловчилар толиқди, сабри, қулоғи куйди.

Ҳар ёққа чопди, елди, епмоқ йўли топилмай,
Кўпроқ очилди сирлар, нуқсонлари ёпилмай,
Танқид қизиб, қозонсиз қовурилди ўт ёқилмай,
Топмайди тўғри йўлни, кўр токи бир қоқилмай,
Халқ олдида ичиб оит, гўё «чатоғи куйди...»

Халқ мулкини ўғирлаш, бу халқига хиёнат,
Юз «товба»дан ювилмас дерлар кичик жиноят,
«Дўстлар» йиғилди судга, қилмоқ учун жиноят,
Қонун жавобгар этди, кесди уни, ниҳоят,
Нафс деб, қамалди, қалбаки ёнган чироғи куйди.

Яна «эрта келинг!»

Куз эди, чилла чиқиб, кирди баҳор: «эрта келинг»,
Бу баҳор ёмғири ҳам қилмади қор, «эрта келинг»,
Бўлди ёз, чағи аралаш лаълу паҳор, «эрта келинг»,
Ёз ўтиб, куз ҳам ўтиб, қиш, яна қор: «эрта келинг»,
Эски гап, эскича феъл, эски қарор: «эрта келинг».

Илтимосимни қабул этди: «киринг, хўп, қиламиз»,
Гоҳи дўқ урди менга, гоҳи ҳиринг: «хўп, қиламиз»,
«Иш зарур, оғриди бош, кам гапиринг, хўп, қиламиз»,
Ошно қилса агар аста жиринг: «хўп, қиламиз»,
Визга қолганда яна топди барор: «эрта келинг».

Аризам турса-ю, кўз ташламаса, не қилайин,
Куйдириб жон, бош қашламаса, не қилайин,
Омадим илгарига бошламаса, не қилайин,
Менинг сарсонлигим ўйлашмаса, не қилайин,
Тугалиб сабр, қилур ғамга дучор, «эрта келинг».

Кишилардек ва на жанжал, ва на шовқин солдим,
«Тўрасизлар!» дедиму тоза балога қолдим,
Аччиқ устида шошиб қўлга қалам ҳам олдим,
Ёзғилиб неча сатр ҳажв, ёзишдан толдим,
Айлагач бошини гаранг, дўппини тор «эрта келинг».

Битмаган ишларимиз битди, гумон қилманглар,
Битмаган иш ҳақида ҳеч телефон қилманглар,
Уни танқид қилиб, менга зиён қилманглар,
Дўстлар, элга ёйиб, ҳеч дoston қилманглар,
Бунда бир менга эмас, ҳаммага бор: «эрта келинг!»

Боравермаклик ила, ҳамма танишдир менга,
Кираман тинка қуриб, терларим артиб енгга,
Чидамим лойиқ эрур офарину таҳсинга,
Чигалимни сўрасам, фол очириб фолбинга,
Деди: «Собир, пулингиз кетди бекор, эрта келинг!»

Баҳор ва лаганбардор

Сиз ҳам мен бунда, қолганлар ишда,
Ҳамма иш билан, турли ташвишда.
Сиз то тургунча тайёр понушта,
Хоҳ ёғлиқ қази, хоҳланг яхна гоз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Ҳам ошпачилик, ҳам улфатчилик,
Оқлайман ўзи мен бўлсам тирлик,
Бўлса яхшилик қайтар яхшилик,
Ошлар сергўшту шўрва серпиёз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Дўстим, тўғриланг ёғлиқроқ бир иш,
Сўнг камчиликдан тортмайсиэ ташвиш,
Айтиб қўйсангиз келмаса тафтиш,
Мендандир хизмат, сиздан имтиёз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Яхшиси, менга беринг омборни,
Шунда кўрарсиэ омадикорни,
Мен тахт, тиндирай икки рўзгорни,
Мен кўпдан берн шунга ишқибоз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Ёз чоғи қилсак бирга саёҳат,
Оҳ-оҳ, тасаддуқ, жонларга роҳат,
Ҳар йил бу кўклам келмоқда бевақт,
Бир ой олинг дам, бундан кейин ёз,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Аста босайми белни, оёқни,
Ё келтирайми коньяк, ароқни,
Ё аллалайми айтиб «Ироқ»ни,
Ё бошлайинми «Гулёр»у «Шаҳноз»,
Ухланг, эй қўзим, фурсат бор бир оз.

Истарам

Дейди бир худбин: «Текинга гүшт билан мой истарам,
Бир текинхўрменки, ёғлиқ ошу кўк чоп истарам,
Суҳбатимга кўзи шаҳло, қоши ўқ ёй истарам,
Бошқа парқу, тингламоққа савти эшвой истарам,
Ҳар кеча баэм этгали махфий, шиннам жой истарам.

Каттагадирмен лаганбардор, кичикка бадқовоқ,
Мушкулимни ҳал этар капгир билан ёғлиқ товоқ,
Ҳар қўпол сўзни қилур силлиқ, ўтиб коньяк, ароқ,
Қўлга олмоққа бу дам оламини мен сериштиёқ,
Бошқа касбим йўқ, шунни доим йилу ой истарам.

Сердаромадроқ ўрин мўлжалга кирса иш тамом:
Ким билан битса бу иш ҳар кун бериб юз бор салом,
Қўл қовуштирамоқ билан хизматда бўлгайман ғулом,
Жойланиб олсам ошиқ олчи, ёқар менга ҳаром,
Орттириб дунё, текинга бўлгали бой истарам.

Маифаатдорга саховат кўрсатиб ширин забон,
Фойдаси тегмас оғайниларга синмас битта нон,
Шукр қилсин, мен томондан етмаса унга зиён,
Ким керакдир менга, мен кўнглини овлаб оичинон,
Чўлда дуч келса кутиб, ошпазу новвой истарам.

Орзу ҳам истак ушалмай, дилда доғ устига доғ,
Сарф учун чўзса ҳукумат кассада пул, бесаноқ,
Ишламай ётмоқ иложи бўлса айлаб сайри боғ,
«Волга» остимда, этишда гашт, тоқат менда тоғ,
Соя-салқин, бир томон гул, бир томон сой истарам.

Келса колхоздан озиқ-опқат, зигир мойи билан,
Мен уни тутсам секин элтишда жой жойи билан,
Утказан деб қишни дўстлар бирла уч ойн билан,
.....
Қазибоп, қўлла боқилган ёш, семиз той истарам.

Ким ўзи, неми нима? Қасдимни қўзғовчингни айт,
Ўғри деб, маккор деб, тирғиз бўғизловчингни айт,
Сирларим фош этгали, мажлисида сўзловчингни айт,
Номини Собир атаб, «Муштум»да тузловчингни айт,
Устаман тухматга хўп! Чаплаш учун лой истарам!

Б е т а м и з

Хушбичим, серсаълату, аммо дилозор бетамиз,
Йўқ фаросатдан тариқча, ақли эннҳор бетамиз,
Кўчада санқиб тунн, уйда хотин зор, бетамиз,
Кундузи ухлар кўпиб, пажмурда кўкнор бетамиз,
Йўрғалар гар очқаса ишлашга ночор бетамиз.

Кўрса ит ҳуркар салобатдан қотиб, бермас салом,
Ичса юз эллик грамм гар, шунчалар «ширин калом»,
Улфати беш-тўртта ножинс, бедаво... Гап вассалом,
Еши қирқдан ошди, асло пишмади бу калла хом,
Қим насиҳат қилса ушлаб этгай инкор бетамиз

Бу каби енгил табнат бўлмаса инсон деган,
Марг ул фаҳму фаросатга, ҳаёт осон деган,
Тоби йўқ меҳнатга, лекин очқаганда нон деган,
Айтилур тўйларга аввал, сўнг борур меҳмон деган!
Айтмаган тўйларда ҳам бир зумда тайёр бетамиз.

Бўлдилар дўстлар хижолат; кўрсатиб унга мадад,
Ҳайдалиб ҳар ойда ишдан, «ҳайфсан!» ҳам беадад,
Сўзласанг ушлар ёқангдан ўшқириб, бу феъли бад,
Телба десанг ўхшамайдир телбага бу беҳирад,
Ё қашамшам, ёки сур, ёники маккор бетамиз.

Қақшагай аҳли зёл, номус қилишдан ҳон итиб,
Хотини меҳнат қилар эри боқишга тер тўкиб,
Икки фарзанди бу ҳолдан ўксиниб, кўнгли чўкиб,
Тўплавиб қавму қариндош солсалар йўлга сўкиб:
Ойлиги теккан кун боз ичди беор бетамиз.

Оқибат қолди назардан, халқаро бурди кетиб,
Нонлож кетди хотин ҳам, жони ҳалқумга етиб,
Қочдилар фарзандлари ҳам унга лаънат иргитиб,
Солди дод «золим хотин»дан, кўчаларни чапгитиб,
Айбини бўйинга олмай судда такрор бетамиз.

Тақ этиб бошига тегди яккалик тоши келиб,
Ғилмайиб атрофга боқди кўздан ёши келиб,
Бўғаяга тошдек тикилди сабру бардоши келиб,
Сўнгги бор дўстлар йиғилди, бор қариндоши келиб,
Тавба қилди тиз чўкиб, аҳволи афгор бетамиз.

Ичди оят сассиқ ароқ ўрнига, чин бўлди қасам,
Боқмади, жирканди улфатлар текин мэй сунса ҳам,
Утган ул беҳуда умридан койиб чекди алам,
Ҳайф эди ёзмоқ уни, мен сўнгра тебратдим қалам,
Гар ёзар бўлганда Собир топикур, бор бетамиз.



Баъзи «ошна»лар ҳақида

Найласин ошнанг сени серақча қармон бўлмаса,
Доимо сен орқали айши фаровон бўлмаса,
Боқмагай мушкул иши сен ила осон бўлмаса,
Тоғ қазншдан не тараз остида гар кон бўлмаса,
Дўстликдан маъни не дардингга дармон бўлмаса.

Баъзилар ёлғиз сенинг ширин сўзингга дўстлар,
Баъзилар кўз ошно, кулган юзингга дўстлар,
Баъзилар ёғлиқ палов, берган тузингга дўстлар,
Орқадан кессак отиб, кўрса, кўзингга дўстлар,
Ошно бўлмас севга, то ош билан нон бўлмаса.

Ошнолар баъзйси кўркам, тавоно бўлса ҳам,
Хушбиним, хушфеъл ҳам сўзлашда доно бўлса ҳам,
Яллачи, улфатшунос, доим таралло бўлса ҳам,
Ҳамма вақт ёнингда, гоҳ жонингга оро бўлса ҳам,
Кеч у хил дўстдан, агар қалбида виждон бўлмаса.

Баъзилар виждон билан дўст, баъзиларнинг дарди пул,
Учраса, сўзлар сенга у айшу ишратдан нуқул,
Келса гар уйга қилар юз нағмаю савти усул,
Очма дарвозанг шунингдекларга сен, эй пок кўнгил,
Пишмагай офтобдә ғишт, остида хумдон бўлмаса.

Яхши, содиқ дўст топу кел, сен қадрдон бўл анга,
Кунда меҳмон қил уни, ҳам кунда меҳмон бўл анга,

Ақл ұрған, кўнглин ол, тан бўлса у, жон бўл анга,
Тўғри сўз дўстлар учун жон садқа, қурбон бўл анга.
Узма ундан дўстлигинини сўзи ёлгон бўлмаса.

Баъзи бир бемаъни «дўст»лардан умр борича қоч,
Мақтаниш ҳам лоф уришлардан тилидир бир қулоч,
Софдил, камтар, биллмдон дўст учун кўксинини оч,
Яхшилардан сўз очиб, Собир, ғазаал дуррини соч,
Тонг ёришмас, то қуёш кўкда намоён бўлмаса.

«Бегараз насихат»

Қалта ўйламай шеър ёз, ўйлашиб узун ҳал қил,
Якка-дука гап тузмай, сатрини муфассал қил,
Бўлма камбағал, тилга бойлигинг мукамал қил,
Маънили, ширинликдан ҳалқни унга маҳтал қил,
Умузоқ асарлардан сен ўзингга ҳайкал қил.

Шеърни бошладинг боғдан, сўнг тамомладинг тоғда,
Қилмаса қалам тоқат, туш ёзишга тирноқда,
Мақсадинг аниқ бўлмай шеърни бошлаган чоғда,
Қўп ўзинг уринтирма, жонни қўйма қийноқда,
Ким деди ёзиб ташла, ким деди таваккал қил?

Шош, жадал ёзиб ташлаб, бостиришга топ чора,
Мақтасанг, гапирсанг қўп унда боссалар зора,
Босмаса газета гар, келма бўшу тобора —
Кел баланд, тузатмоққа бўлма қайта «овора»,
«Бўлганим шу мени» деб ҳар қаерда жанжал қил!

Қофиянг экан ўрдак, қил радиф тегирмонни,
Ерда юрса нисонга ўхшатишда ҳайвонни,
Туз радиф учун айрон, меҳрибону айвонни,
Ёки том ёзар бўлсанг унга иста нарвонни,
Бошла сўз тўқайдан, сўнг охири чангал қил!

Бўлса у бўғнисиз шеър, чаплашиб кетар сўзлар,
Унда-мунда беҳуда сафлашиб кетар сўзлар,
Қайси бир балоларга дафлашиб кетар сўзлар,
Ким қўлига тушдик деб, гаплашиб кетар сўзлар,
Сўзни тер, ўрилли ёз, ё ёзишни мужмал қил!

Мақсаднинг ёзиш бўлса, кўп шошилма, қил текис,
Орқадан қувиб ўрган, сўнг маромига еткиз,
Дўст сўзин қабул этгин, қўй, ўжарлигинг кеткиз,
Бошлаганда бир шеърни яхши ёзгину биткиз,
Тарра экма, гуре кетди, кўкчаларни пайкал қил!

Жумлалар суюқ чиқса, ноўрни «куюқ» қилмай,
Маза-матрасиз сўзни жуфт қилиб, «туюқ» қилмай,
Шеър совуқ мижоз чиқса, отини буюқ қилмай,
Қалтираб, чиқиб жаҳлинг, кўзларингни лўқ қилмай,
Устига ёпиб кўрпа, шеър отини сандал қил.

Мен бунни ғараз бирлан сўзласам, ҳаром бўлсин,
Яхши шеърни ким ёзса, унга эҳтиром бўлсин,
Бўлса шоири пишиқ, шеърни нега хом бўлсин?
Яхшилаб пишир шеърни, сўзалари қиём бўлсин,
Пишса шеър ҳазм бўлмай, қайнатишда ҳал-ҳал қил.

Солмасанг қулоқ сўзга, бор, юзинг ўгур, майли,
Хом асарни қўлтиқлаб ҳар томон югур, майли,
Ўз-ўзингни хўп мақтаб, кўкрагингга ур, майли,
Юз буриб бу Собирдан бошқаларни кўр, майли,
Иситмангни авж олди, зилзиланг беш-ўн бал қил!

Бир гап бўлар-кетар деб...

«Улар кинода топшиган эдилар, кинода ажралишдилар...»

(Бир онанинг ҳасратидан)

К у ё в:

Олдим хотинни «арзон», бир гап бўлар-кетар деб,
«Шафтоли шохи ларзон», бир гап бўлар-кетар деб,
Сунбул сочи паришон, бир гап бўлар-кетар деб,
Сернозу ишва, гапдон, бир гап бўлар-кетар деб,
Ажрашмоқ бўлди осон, бир гап бўлар-кетар деб.

К е л и н:

Қилди тилини биирон кўрганда, ўргилишда,
Бўлдим мен унга жонин кинода бир куришда,
Бердим кўнгул синовсиз бир лаҳза ўлтиришда,
Гаштипи сурмай, ойлар қўл ушлашиб юришда,
Мушкулни аилаб осон, бир гап бўлар-кетар деб.

К у ё в:

Солди ўзини кетмай ойинадан узоққа,
То эртадан тузанди чиқмоққа кечки боққа,
Бўш қолса ўсма қошга, чаплаб қизил ёноққа,
Ўт кўрмади қозон ҳеч, сув тегмади товоққа,
Сувсиз тешилди қумгон, бир гап бўлар-кетар деб.

К е л и н:

Бир кун ўтиб никоҳдан, бошланди сўягра жанжал,
Муздек совиб кўнгул ҳам турмуш кўринди мужмал,

Донм солиқ қовоғи, кирса уйига ҳар гал,
Шовқин-суронли бошлар, бир сўз сўрашга маҳтал,
Қўп йиртилур гирибон, бир гап бўлар-кетар деб.

К у ё в:

Ошни қўйинг у ёққа, шўрваси ҳам олиб таг,
Қилдим насиҳат унга, айтди у менга эртак,
Одобидан нишон йўқ, шаллақи, тўнгу шапшак,
Ишлар алмашди уйда: мен хотину у эркак,
Бефойладир пушаймон, бир гап бўлар-кетар деб.

К е л и н:

Гап ташлади ёнимда, мен унга қошни қоқдим,
Сўнг айладим карашма, жисмига ўтин ёқдим,
Ёқди қарашда менга, жилмаймоқ ила боқдим,
Енгил табиат экан, бир кўрганида еқдим,
Е менми, ё у подон, бир гап бўлар-кетар деб.

К у ё в:

Бормай ўчоқ ёнига, уйда қуриб дўконини,
«Нозик табиат» эрмиш... Искаб егай у нонни,
Найлайки, яхши кўрдим бу бедаво жувонни,
Гап қайтарар эканман, тор айлагай жаҳонни,
Битди танамда дармон, бир гап бўлар-кетар деб.

К е л и н:

Қўп эрга тегдим, аммо бу хилда бўлмас эрлар,
«Бир бола туққанида ҳайдар хотинни!» дерлар,
Уйлаб эдим бу номард ҳеч хўрламас, қадрлар,
Қўпдир мени олишга муштоғу мунтазирлар,
Бўлди хаёл паришон, бир гап бўлар-кетар деб.

К у ё в:

Аввал таниш, суриштир, бил, сўнгра бор яқинроқ,
Ойлар синовдан ўтгач, бўл бир-бирингга муштоқ,
Хуснига боқмасингдан ахлоқига тузук боқ,
Бўлсин вафоли ёринг!.. Утди бошимдан, ўртоқ!
Мен, хом сут эмган инсон, бир гап бўлар-кетар деб!

К е л и н:

Бир гап бўлар-кетар деб, ҳозир дамим ичимда,
Зоҳирда вақти чоғман, аммо ғамим ичимда,
Бемаслаҳат ишимдан бор мотамим ичимда,
Қўп таъналар эшитдим, бу мулзамим ичимда,
Бўлмаг бу ишга ҳайрон, бир гап бўлар-кетар деб.

И к к и с и:

Бир гап бўлар-кетар деб, ҳасрат билониҳоя,
Бир умр учун етар деб, айтилса шу кифоя,
Қим чиқса тўғри йўлдан, қилмайди эл рия,
Э, дўстлар, адашдик! Қим айлагай ҳимоя?
Сов бўлса бу тану жон, бир гап бўлар-кетар деб.

Бир қаллобнинг саргузашти

Қаранг! Ёлғончига ёлғон топилди,
Кишилар ҳақида бўҳтон топилди,
Қиллиб дуқ ошни урди, нон топилди,
Қўнишга шийпону айвон топилди,
Текин «ўтлаш» учун майдон топилди.

Унга касб: ҳар қаерга ездн ёлғон,
Дили соф нечалар ҳақида бўҳтон,
Тилини ҳар қаерда қилди бийрон,
Нечанинг номини булғаб бу нодон,
Суришга неча ой даврон топилди.

Мися чиқди кўп ўтмай бу районда,
Бу ердан ҳам бўлиб бўҳтончи ронда,
Бекор санқиб юриб у ҳар қаёнда,
Қилолмаи бир тузукроқ ишни монда,
Яна «дарди» учун «дармон» топилди.

Узоқроқ бир районга борди, ётди,
Неча кеч ўтди-ю, неча тонг отди,
Ўринлашди, бировлар номин сотди,
Солиб разм ҳар томонларни кузатди,
Яна бўҳтон учун имкон топилди.

Яна «обрў» учун виждон сотилди,
Яна тухмат тоши кўпга отилди,
Бузиб тинчликни, дуқ урди, қотилди,
Енига тортди, яхши ўргатилди,
У ердан икки-уч подон топилди.

Топиб «ёғлиқ» кишини товлаш истаб,
Қириб омборга гоҳ ов овлаш истаб,
Бировни қўрқитиб, «иш қовлаш» истаб,
Зиёфат ундириб ҳов-ҳовлаш истаб,
Ювошу соддадил мезбон топилди.

Кимики «чўзмаса», ундан койишга,
Қилиб тухмат унга, иғво ёйишга,
Бировни пеш қилиб, тўшлаш, бойишга,
Дахлсиз ҳовлиқишга, талтайишга,
Яшашга бемалол қўрғон топилди.

Утиб бир неча ой шундай йўсинда,
Тунаб бир кеч у ер, бир кеча бунда,
Дейилса «бемалол» ҳар кеча шунда,
Не даркор бўлса, айтиб лўнда-лўнда,
Гоҳи ошкор, гоҳи пинҳон топилди.

Очилди сирлари, фош этди «Муштум»,
Деди: «Собир ёзибди, қўлга тушди!»
Тугун қўлтиқлаган аҳволда бу шум,
Тутилди, кимлиги сўнг бўлди маълум,
Тугунчақдан магар виждон топилди,
Аферист, бир мудаббир жон топилди,
Вужуди — бир бузуқ қўрғон топилди,
Кишиликдан сифат, на сен топилди.

Намасан

Битталари ҳам омборчи, ҳам кассир,
Битталари ашулачи бетаъсир,
Бир-бирдан махфий эмас барча сир:
— Сув қўшилган айронмисан, намасан?
— Тўйга келган меҳмонмисан, намасан?

Раис эмиш ашулага ниқибоз,
Шунинг учун уста Ҳайдар серпардоз,
Ароқ ичса булар эмиш хушовоз:
— Хушхонмисан, хумдонмисан, намасан?
— Ялқовмисан, полвонмисан, намасан?

Уста Ҳайдар меҳнати оз дафтарда,
Меҳнат қилмай олгани хавф-хатарда,
Парташкилот сезиб қолса агарда:
— Тухматмисан, бўҳтонмисан, намасан?
— Отқулоқми, райҳонмисан, намасан?

Омборчи дер:— Фалончи бор бахтимга,
Табель ёздим шаҳар кетган вақтимга,

Ўғил тўғи бошлагайман нақдимга:

— Юзми ёки тўқсонмисан, намасая?

— Жамиятга нуқсонмисан, намасан?

Уста Ҳайдар сероб ҳар кун, оз эмас,

Қуй пойма-пой, чалган сози соз эмас,

Қенг далада кўринмаса, ноз эмас:

— Соғломмисан, нимжонмисан, намасан?

— Шотимисан, нарвонмисан, намасан?

Уста Ҳайдар овозида шира йўқ,

Санъатқору маданият сира йўқ,

Шеърда туз кам, куйда пиш, зира йўқ:

— Аччиқмисан, нордонмисан, намасан?

— Қум қўшилган талқонмисан, намасан?

Иккилари хиргоида ҳамнафас,

Холи жойда гурунглашар басма-бас,

Гоҳ «аския» бошлаганда беғараз:

— Омборчини, сичқонмисан, намасан?

— Бўғзи тешиқ қумғонмисан, намасан?

Колхоздаги хотин-қизлар чопиқда,

Хотинлари шаҳар уйда, ёпиқда,

Ўслари ҳам салқин ерда, ҳордиқда:

— Дардмисан ё чипқонмисан, намасан?

— Мешимисан, шабронмисан, намасан?

Салқин дарахт ёнбошида чўнқайган,

Отилмаган солқонмисан, намасан?

Ишламай еб, қилмасанг истиҳола:

Ҳар иккингиниғ виждонингга ҳаволя!

Пул ўлсина — пул ўлсин

(Чархий ғазалига мухаммас)

Пулдан чиқар ғавғолар,
Пул ўлсина — пул ўлсин!
Пасту баланд даъволар,
Пул ўлсина — пул ўлсин!
Яхши-ёмон маънолар,
Пул ўлсина — пул ўлсин!
Пул леб оқар дарёлар,
Пул ўлсина — пул ўлсин!
Ағдар-тўнтар дунёлар,
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Биров бор пул билан шод,
Бирови мотамсаро,
Биров бунга мубтало,
Биров унга мубтало,
Пул кўп бўлса бир бало,
Пул оз бўлса бир бало,
Қўлга келтирган дунё,
Усти асалдир, аммо
Таъми зуқум ҳалволар!
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Пулсизмисан, эй дўстим?
«Дўстлар» келмас кошнингга?

Узоқ бўлиб туюлдинг
Яқин қариндошингга!
Агар пулинг кўп бўлса:
Ҳеч ким тегмай гашингга,
Назар солмай ёшингга,
Чиқиб олиб бошингга,
Солар не-не савдолар!..
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Пулсизга: — чиқинг-чиқинг,
Пулликка: — киринг-киринг,
Пулсиз дўстни қидирманг,
Пуллик дўстни қидиринг,
Пулсизга ғиринг-пиринг,
Пулликка ҳиринг-ҳиринг,
«Дунё ҳаром!» деганиннг
Дардидир муллажиринг,
Кумуш қубба асолар!
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Текин пул кўп қай ерда:
Кўнгил бошлар шу ёққа,
Фунажинлар кўз сузмас
Пулсиз навлос бузоққа,
Ҳамён агар қоқ бўлса
Кирмайди сўз қулоққа,
Қетолмасдан узоққа,
Пул деб тушар тузоққа
Енгил-елпи «Лайло»лар!
Пул ўлсина — пул ўлсин!

Баъзи пуллар бўлгайки,
Оро кирар кўп жонга,
Баъзи пуллар бўлгайки,
Жонни олар нишонга.

Ачиннасан афсус еб,

Баъзи қизу жувонга,

Учиб ёлгон ниждонга,

Тушар аблаҳ инсонга.

Нозик адо, шаҳлолар!

Пул ўлсини — пул ўлсин!

Юз борма-ю, бир бор-бор,

Ўзинг қилма овора,

Иш битмайди, юз ёлбор,

Юрагинг қил из пора,

Иш битару ёғар қор,

Қўлингда бўлса пора,

Сен эмас, пулинг даркор,

Эй, соддадил бечора,

«Дардинг» топар даволар,

Пул ўлсини — пул ўлсин!

Рақс арзон, ялла сероб:

Қистиргувчи кўп бўлса,

«Репертуар» шунга боп:

Қистиргувчи кўп бўлса,

Серпул тўйни истаб топ:

Қистиргувчи кўп бўлса,

Буни ташлаб, унга чоп:

Қистиргувчи кўп бўлса,

Эй, «отар»чи шайдолар!

Пул ўлсини — пул ўлсин!

Кам қуяди сувни ҳам,

Ҳатто «газ вода»фуруш,

Хўмрайиб «такси»чи акам,

Бермасанг жанжал, уруш,

«Нол кўпмаса» ема гам,

Пул унга хамиртуруш,

Утиролмай хотиржам,

Пул дардида югуриш,

Кун хуржунсиз «гадолар»!

Пул ўлсини — пул ўлсин!

Меҳнатсиз тўпланган пул

Хавфу хатар қўзғайди,

Собирнинг истаги шул:

Ҳалолдан бўлсайди,

Нашриет тоғиб маъқул,

Гонорарлар кулсайди,

Пулсиз ҳаёт бўлмайди,

Аммо хуржун тўлмайди,

Чархий ёзар иншолар:

Пул ўлсини — пул ўлсин!

Пашшалар

(Баъзи ошхоналарги)

Урма лоф озодаликдан, бор экан то пашшалар,
Бўлма нозик таъб, қилмай тарки дунё пашшалар,
Индама, қош устига қўнса мабодо пашшалар,
Иўқ қилишдан чиқса сўз, бошлайди гавго пашшалар,
Қўй, халал еткизмагин, қилсин таралло пашшалар!

Баъзи бир ошхоналарнинг ёзини қилсанг мисол,
Пешчиторг ори келиб, тутгай ёқангдан эҳтимол,
Унг қўлинг тутса қошиқини, чап қўлинг ушлаб рўмол,
Битта елиб, битта ош ичмоқ, сенга келса малол:
Пашшалашма, қўй, сенга десин тасанно пашшалар!

Ҳамма дардга бор даво-ю, толмадик бунга даво,
Орсиз, шилқим, қашамшам, суқу нафси аждаҳо,
Келтирур гашии, юзингга ўлтириб уйқу аро,
Зор этар ёзмоққа дастурхонини ёзда доимо,
Еприлиб ургаи ўзини унга, сулло пашшалар!

«Хол» қўяр қолса очиқ, патнисда ширмой устига,
Энди бир ҳўплай десанг, ташлар ўзин чой устига,
Чиқса гар ошдан: чиқар войлар неча вой устига,
Маслаҳат шу! Ёзу куз ўтгунча ҳар ой устига
Қил гилоф, қишга бориб, битгунча, расво пашшалар!

Қўлдаги резина калтақлар билан шохдоримиз,
Пашшанинг мингдан бирига еткизар озоримиз,
Топмадик шундан бўлак тadbир! Фақат шу боримиз,
Билмадик, кимга тааллуқдир экан изҳоримиз?
Бирни ўлдирсанг, бўлур бир минги пайдо пашшалар!

Келса ёз, безиллагайсиз, елпиниб, «киш-киш!»лашиб,
Ҳайдаса қиямайди парво, жуфтлашиб, ирғишлашиб,
Тегди жонга қувлашиб, гоҳо оёғинг тишлашиб,
Бир таом келди дегунча иштаҳони пешлашиб,
Бўлса қаерда қиём, қанду нишолло пашшалар!

Боғу бўстон Ўзбекистон шираи шарбатга кон,
Қўчалар озода, гуллар барқ уриб, сувлар равон,
Ҳам ҳаво—иқлим мусаффо, сердарахт, кенг осмон,
Рўзгор созу ва лекин бизда шу нуқсон ёмон,
Уқишиб «гигиена»ни, ёдлайди мулло пашшалар!

Келди вақт, бир чора топсанг яхши, эй тиб олами,
Қудратинг кўрсат бу ҳақда, келгуча ёзинг дами,
Мунтазир сенга аё фан, ҳамма, топ бир матҳами,
Кимё ҳикматларидан йўқ бўлиб жамулжами,—
Қолмасин, битсин, қирилсин, қолмай асло пашшалар!



Келди-кетди

Ҳироқ ғарбли жаноблар «беғариз меҳмон» бўлиб келди,
Ичига тугди кўп, ёрилмаган чипқон бўлиб кетди.
Совет халқига гўё хайрихоҳ инсон бўлиб келди,
Улуғ ишларни кўрди, ёнди, бағри қон бўлиб кетди.
Отиб дўстлик шнорин, эпчилу чаққон бўлиб келди,
Дами чиқмай кезиб, отилмаган сопқон бўлиб кетди.

Боқиб ойимчаси, ўтказди ҳар ерни сузук кўздан,
Кўринди суқ, ҳасад, рашк белгиси туппа-тузук кўздан.
Ёмон ният билан ҳар жойга ўқталган «узук кўз»дан,
Олиб суратга, найранг ишлатиб ул қўрқувлик «кўз»дан,
Сузиб кўз сеҳргар, гўёки бир жонон бўлиб келди,
Фасод тўплаб дили, халқ бахтидан «нуқсон» бўлиб кетди.

Тузук мақсад билан кел, эй, келишга орзуманда,
Билармиз, ким ўзинг? Ҳам сен киму қайларга арзанда,
Туёқ шиқиллатиб қол, йўл берилмас сенга, шарманда,
Эси оғди нечангни, баркамол халқларни кўрганда,
Қора мақсадда келди ҳийлагар, майдон бўлиб келди,
Кўролмайд давримизни, туҳмату бўҳтон бўлиб кетди.

Ғаразсиз дўст келиб, сайр айлару, мафтун бўлиб қайтар,
Бўлиб меҳмон улар, қарсақ чалиб, мамнун бўлиб қайтар,
Агар душман экан: лаънатланиб, малъун бўлиб қайтар,

Келиб одамсифат, қайтишда у маймун бўлиб қайтар,
Шулардая нечаси кийди ниқоб, «шайтон» бўлиб кел,
Кезиб ободимизда неча кун, вайрон бўлиб кетди.

Жаҳон аҳли севар тинчликни, аммо бир ҳовуч сизлар,
Урушга, ўт қўйишга, қон тўкишга мунча ўчсизлар?!
Агар қил қанча дўқ, ҳар қанча қилсанг ҳам хуруж сизлар,
Енгар тинчлик жаҳонда, енгиларсиз, мағзи пучсизлар,
Санаб хом чучвара, бу сиз учун осон бўлиб келди,
Емон ниятларингиз ер билан яқсон бўлиб кетди.

Шу томонлари ёмон

Халқларвар бўлса раҳбар эътибори яхшироқ,
Халқдан ажраб, бир ўзи қолганда раҳбарлик ёмон.
Мейсимаи халқни, яқин келмай, агар турса йироқ:
Кўпчиликка нозу истигно, фирибгарлик ёмон.
Бир кунга сир очилур гар бўлса усти ялтироқ,
Кўнгли қинғир, фикри пуч, кир пахта-астарлик ёмон.
Соясидан қўрқадир баъзи акамлар, деб «мен оқ»,
Ўзини оқ деб, бўлакка қора суртарлик ёмон.

Бир «амал» тегса бировларга агар, от ҳуркитар,
Қор ёғиб доим қовоғидан, дамга ош пишар.
Топса мақтанмоққа фурсат, сўзни арқондек эшар,
Тингламас йўл устида гар кимса қилса арз агар,
Кўрса ўзидан «улуғ»роқни, ўшанда бош эгар,
Бошқа вақт кўрса сени, юз эътироз бирлан қарар,
Ҳеч кишининг эҳтиёжи тушмасин, юз алҳазар,
Иш билан келсанг, эшик олдида музтарлик ёмон.

Баъзилар гапга чечанлик бирла ишни битказар,
Ким нўноғу соддадир, гап ўтказолмай ер чизар.
Сўзга моҳир бўлмаганлик гоҳ бағрингни эзар,
Сен эмас, ошна-оғайинларга хўп наф еткизар.
Нотанишининг ҳолини бу ерда ким англаар, сезар,
Ким лаганбардор: хушоматда «ўликни тиргизар».

Турса навбатсиз улар, бизни ким олдин киргизар,
Без бўлиб турса йўлинг устида, қайсарлик ёмон.

Йўл очиқ эски қадрдонларга, сергўшт ош билан,
Кўчада иш битказишар имлашда кўзу қош билан,
Тўғри йўл бунда қолиб, йўл тутсалар ёйбош билан,
Қайси сабру қайси тоқат, қайси бир бардош билан,
Сердимоя «раҳбар»га келдинг дуч эгилган бош билан?
Энг кичик ўғлингга тенг, ўлчапса ёши ёш билан,
Дўстлар, чиқманг сафарга, пулса ўч йўлдош билан,
Ўз нафидан бўлакни тингламас, карлик ёмон.

Бир сельпо ҳақида зарбулмасал

Чўзилиб сельпо мажлиси,
Балки тонг отиб кетди,
Сузилиб кўзлар уйқудан,
Ерга ён ботиб кетди.

Нутқ сўзлаб Ваизамов узоқ,
Ғашни қўзғатиб кетди,
Ҳиллоевни мақтаб ортиқча,
Сувни лойлатиб кетди.

Раислик юкланган бўлди
Кумушжон Тиллаевга,
Берилади, ўтказилди
Завторглик Ҳиллоевга.

Тинчиди Ҳиллоев қўнгли,
Босилди бир оз ўпка,
Қўзини қисиб Бўрибоев,
Қошини ўйнатиб кетди.

Духоба, жун рўмолларни
Қаламушона пулланди,
Ҳиллоев чўнтаги томон
Ақчаларни йўлланди.

Жиппий ишлар қияшга
«Ихтиро»лар қўлланди,
Пулланди, ўғирланди,
Омбори қақшатиб кетди.

Раиснинг хомлигини сезиб,
Дейди: Муддао бўлди.
Сельпони бопламоқ учун
Ҳамма иш бажо бўлди.

Шогирди Юрмонқозиқов
Дардига даво бўлди,
Пулдан адашмасин деб,
Йўл-йўриқ кўрсатиб кетди.

Тўғрилар ишдан ҳайдалиб,
Уғриларни жойланди,
Бу ишга аралашганинг
Томоқлари монланди.

Текшириш чўзилиб ойлаб,
Натижалар пойланди,
«Чиқмади», деб ҳеч бир нарса,
Бошлари қотиб кетди.

Очилгач сир вақти келиб:
Натижа чиқди чатоқ!
Раисга бериб ҳайфсан,
Ҳиллов яна оппоқ!

Билмадик! Айтмиг сиз бизга,
«Текширган» ўша ўртоқ

Ишни босди-босди қилиб,
Балки ўнгладиб кетди.

Қочирди, сўнг келарсан деб,
Кимки растрат қилса,
Ўзига уни қилиб шерик,
Ўғирликни ким билса,

Дўконга тортди, ишониб,
Эгри йўлга интилса,
Тортиб уни Ҳиллоев ёнга,
Ишни «гуллатиб» кетди.

Юборди қўшни районга,
Қанча мол, хилоф йўлдан,
Қилишда жиний ишлар,
Бемалол хилоф йўлдан.

Сотилиб юқори нархларда,
Эҳтимол, хилоф йўлдан,
Чайқовни авж олдириб,
Молни пуллатиб кетди.

Писмиқоп қочиб кетди-ю,
Ҳовлиқови илинди,
Уи миғ сўмча камлиги
Текширишда билинди.

Ҳиллоев танивишланиб,
Юрак-бағри тилинди,
Қўлга тушишдан қўрқиб,
Бўрибоев яширинди.

Мақтаган Вағзамовни
Анча ўйлатиб кетди.

Халқ контролидан келиб,
Бу ишга аралашди,
Мақталган кишиларни
Ушлашди, қоралашди.

Сельпоми кўздан кетириб,
Одамларни саралашди,
Жиноятчилар жазобгар бўлиб,
Панжарадан мўралашди,
Ҳақиқат юзага чиқди,
Судда сўзлатиб кетди.

Қуруқ гап қулоққа ёқмас

(Чорва фермасида кенгаш)

Чорвалар тўпланди катта оғилга,
Моллар ёнбошма-ёнбош, елкама-елка,
Сигир, ҳўкизларнинг қовоғи тушган,
Биқини ичига кириб, жисми увушган!
Чорва мудирни кириб, ўқиди рўйхат.
— Сигир қанча адад, ҳўкиз қанча адад,
Соғин сизигир қанча, текинхўр қанча?!
Бир-бирга суяниб, қотиб турганча,
Кўрдилар мудирни кеккайган, хасис,
Тишни ковлаб туриб деди:— Ём-хашак танқис,
Ҳозир қиш мавсуми!.. Тўплаш қийин!.. Кам!

Баҳор яқин, ердан унар майса ҳам,
Сероб бўлса колхоз сиздан аямас,
Сиз семирмасангиз колхоз яйрамас,
Қаноат қилинглар ҳозир борига.
Бўйсунинг правлениени қарорига,
Аста чайнанг, моллар, секинроқ ютинг,
«Мо»ламай, келтириб беришимиз кутинг,
Қавш қайтарманг кўп, бўлмасин ҳазм.
Тартиб ўрнатилсин, оғил турсин жим!..

Моллар жим, мудир сўзлаб, келтирди мисол:
— Ваҳший чорвалар бор, мисолга яққол:

Қўтос ҳам сиз каби бир чорва ҳайвон,
Унга на ем керак, на оғил, айвон,
Сизга оғил керак, ем-хашак керак,
Қанчангиз белоғриқ, оғил бўлса зах,
Ем-хашак ҳам бўлса, маърайсиз чупон,
Қандай ҳайвонлик бу, қандай ширин жон?!
Буюқ урмас сизни, терингиз қалин,
Инсоф қилинг, моллар, бизга ҳам қийин!
Бошпана бер дейсиз, ем дейсиз яна,
Сиздан аярмидик бўлса бошпана.
Бу йилча ўтказинг қишни ялангда,
Ез келса яйрайсиз офтобда, чавгда,
Меннинг бу сўзларим дўстона ўғит,
Ҳозирча озроқ еб, кўпроқ беринг сут.
Сиз беғам бўлсангиз, ухласангиз кўп,
Шунда семирарсиз, бир оз жир битиб!
Кекса тарғал буқа хўмрайди, боқди,
Шоқларин силкитиб, ҳалқасин қоқди,
Қўзғалди ўрнидан: «уммм!..» деб керишди,
Ўртага чиқди-ю, сўзга киришди:

— Иссиқ меҳмонхона, ҳар кеча тўкма!..
Жон мудир, инсоф қил, сен бизни сўкма!
Ош еб чиқдинг ўзинг, гўштлик, қазилик,
Қайтар яхшиликка сен ҳам яхшилик!
Ваъда едик емнинг ўрнига доим,
Кошки, айтар сўзинг бўлса мулойим,
Ялангда қолдириб, яна пўписанг,
Бошпана ўрнига насиҳат, қиссанг!..

Қунжара ўрнига едик насиҳат,
Қолиб қиш-аёзда, йўқолди сиҳат,
Шунча чорва учун бир эски оғил,
Чорва мудирликни эплай олсанг қил,

Чорва тўймас бўлса, эл гўштга тўймас,
Бу билан ишинг йўқ, ўзинг тўйсанг бас!
Чорванинг гамин е, ол хабар доим,
Дўқ уриш ўрнига, бергин хашак, ем.
Шунда биз мудир деб, таниймиз сеин,
Қуруқ гап қулоққа ёқмас, оғайни!..
Қаноатга бизлар ўргандик, аммо?..
Бу йил қишдан чиқиб мушкул муаммо!..
Mo!. Mo!. Mo!..

Мансабпараст

«Кичик»ликда нечани ёр қилдим,
Эгиб бош, арзи ҳол изҳор қилдим.
«Улуг»роқ нишга жойлашдим кейинча,
«Кичик»ларни кўришга ор қилдим.
«Кичик»ликда эди хўз ҳам кўнгул келг,
Кейин кўз ҳам кўнгулни тор қилдим.
Яқин дўстим келиб, гар қилса танқид:
«Йўқол, кет, менга сен ағёр!» қилдим.
«Кичик»лар кирса ёнимга, сўрашмай,
Сўрашмоққа уларни зор қилдим.
Қадрдон эрди бир неча «кичик»лар,
Унутдим, аҳдимиз бекор қилдим.
«Улуғ» бўлса ўзимдан ким: делим хўп,
«Кичик»лар ҳожатин душвор қилдим.
Қўпол бўлди сўзим ҳар нотанишга,
Танишларга ширин гуфтор қилдим.
«Кичик»лар илтимосига сўзим: «Йўқ!»
«Улуғ»нинг хоҳишини бор қилдим.
Сезишди мақсадим соғлом «улуғ»лар,
Қўполлик элга бемикдор қилдим.
Ёмон феълу ёмон ният йиқятди,
Ўзамни «тахта»га тайёр қилдим.
Иложим бўлмади, кетдим, қувилдим,
Чидолмай, ўз-ўзим бемор қилдим.

Югурдим кун, «кичик»роқ иш беришди,
Лаганбардорлигим такрор қилдим.
Угирди юз таниш ҳам, нотаниш ҳам,
Қолиб ёлғиз, дилим афғор қилдим.
Элу юрт олдида, дўстлар тилида,
Отим «беномусу беор!» қилдим.
Бўлиб номим «ёмон», қолдим назардан,
Кишига яхшилик ночор қилдим.
«Кичик»ми ё «улуғ» — халқ хизмати «тенг!»
Деса дўстлар менга, инкор қилдим!
Келиб, мандан олиг ибрат, эл ичра —
Азиз эрдим, ўзимни хор қилдим!
Бу ҳақда ёзмасин деб, ҳажв, Собир:
Халойиқ олдида иқрор қилдим.
Тушундим, тавба қилдим, афв этинглар,
Фурурдан ўзни дил озор қилдим!..

Беқароржон Кирдикоровнинг ўз кўли билан ёзилган таржимаи ҳол

**«Успиринлик чоғим, ўзим серсавлат,
Ногирҳондан боқди менга бахт, давлат.
Илмим озу оғайнилар кўп эди,
Иш буюрсам, лаббай эди, хўп эди.**

**Гапдон эдим, ёш бўлсам ҳам тadbиркор,
«Одам учун қадрдону дўст даржор!»—
Деб уларини ишга солдим, йўлладим,
Мажлисларда қўлтиқладим, қўлладим,
«Дўстларим» ҳам мени мақтаб сўзлашди,
Мен орқали «нон» чиқишни кўзлашди.**

**Бора-бора бошқармага бош бўлдим,
Бош бўлдим, анча бағри тош бўлдим,
Ҳовлиқош ҳам пайдо бўлди, ҳам шошдим,
Нафсимни деб, анча ҳаддимдан ошдим.**

**Ёнбошимга кирди ляганбардорлар,
Улфатларим фирибгарлар, ғаддорлар,
Бошим ҳар кеч энёфатдан чиқмади,
Кундузларим хиёнатдан чиқмади.**

Гўстакииллар пазаридан узоқдек,
Танишларим йўлда тургай тузоқдек,
Атрофимда гир айланиб парвона,
Қайга борсам, соям каби равона.

Шундай қилиб, бир-икки йил давр сурдим,
Манфаатдор жойга шошдим, югурдим,
Ҳар доимо ўз роҳатим кўзладим,
Мажлисларда стол муштраб сўзладим.

Бошқарманинг ёш кассирь ёнбошда,
Қўрсаярдим, боратуриб извошда,
Биров салом берса, мазгур қош қоқиб,
Нотанишни жеркиб, хўмрайиб боқиб.

Қўпчиликка ёқмай қолдим мутлақо,
Қўлдан кетди масъул ўрин бевафо!..

Ҳамма мендан кулаётган кўринар,
Тоғдек танам кулаётган кўринар,
Урганмаган эдим... Юрдим пиёда,
«Пиёдалар кўп-ку, мендек, дунёда!..»

Деб ўзимга-ўзим қилиб насиҳат,
Бир йил юрдим, гоҳ хурсанду гоҳ диққат!..»



«Оғайнилар ёглиқ ишга жойлашди,
Шундан кейин марҳаматим пойлашди,

Уларни мен аста-секин қўлладим,
Складу базаларга йўлладим.

Извош эмас, эпди «Волга» остимда,
Умид қилдим, узоқ турсам «пост»имда..
Газет яна қилди мени фельетон,
Оҳ деганда чиқди оғзимдан тутун.

Порахўр деб, ончинон ҳам бошлашди,
Юзларимга қора балчиқ чаплашди,
Мажлисларда боз қоқилди пўстагим,
Бўшга чиқди барча орзу-истагим.

Машинасиэ, яна қолдим пиёда,
Кўча-кўйда аввалгидан энёда,
Оғайнвлар қия боқмай ўтишди,
Бегомалар тутган йўлни туттишди!..

Алам қилар экан!.. Тунлар ўйлайман,
Бирга айтган қўшиқларни куйлайман,
Уни қарапг, улар оқу, мен қора,
Яхшилигим билмасалар не чора!..

Газет деса, жоним келар ҳалқумга,
Ўйлай бериб, каллам ўхшайди хумга!..
Шу сайлда иш истадим ёғлиқроқ,
Нон чиқса бас, хоҳ яқину, хоҳ йироқ!..»

* *
*

«Бир клубга мудир бўлдим нонлож,
Мажбур қилди онлавий эҳтиёж,

Хотинимга маъқул бўлди бу ишим,
Хархашадан жағи тинди, бўлди жим.

«Клуб—билим, маданият ўчоғи,
Китобхона—билимдонлик равоғи...»
Кўп мақтади хотиним бу хизматни,
Кўп уқтирди халққа ҳалол меҳнатни.

Меҳнатдан сўнг роҳатланиш, дам олиш,
Китоб ўқиб, уйда ҳордиқ чиқариш,
Клуб-милуб, шахмат-пахмат, музыка,
Шеърхонлигу лекциялар!..» хўш, нега?

«Хотинимга ёқар экан?.. Майли, хўп.
Ишни қабул қилдим, аммо ёқмади,
Омад келиб, эшигимни қоқмади,
Ойлик ҳам оз, хушомадгўй ҳеч ким йўқ.

Газет, журнал варақлашга йўқ тоқат,
Бу соҳага балким мен белаёқат?..

Айтолмайман бир шоирнинг номин ёд,
Музикадан, шеърятдан бесавод,
Қўлим тегмас эди китоб ўқишга,
Ушлаб қалам, бир жумла сўз тўқишга,

Ашулага қизиқмасдан ўсганман,
Музикага ким қизиқса, тўсганман!
Шу сабабдан ярамадим клубга,
Мудирлигим чўзилмай унча кўпга,

Бўлаб кетдим, бемашина йўл кездим,
Қупна-қуруқ одамлигимни сездим!..»

* *
•

«Дейишдилар: — Қишлоқ чиқинг, хизмат кўл...
Бир районга йўл олдим, қўрқиб-қўрқиб,
От ҳуркийди, кўрса савлатим, номим,
Чамадонда бор ясама дипломим.

Унда ёзиқлиқдир «олий маълумот»,
Унга мен ётману у ҳам менга ёти
Бир портфель ҳужжатлар менга дастмоя,
Ёғлиқроқ нин топниш — энг юксак ғоя.

Қишлоқ хўжалиги менга бегона:
Не ўзи пахта-ю, не ўзи шона?..
Эшитгандирману кўрган эмасман,
Қишлоқнинг гаштини сурган эмасман,
Аммо эшитганман, колхоз эмиш бой,
Бойлик орттиришга қишлоқлар қулан...

Колхозга жойландим, лекин ёқмади,
Ишим ўнг келмади, бахтим боқмади,
Гап сотдим ҳар ерда, гапим ўтмади,
Ош дамлаб текинга, ҳеч ким кутмади.

Нш талаб қилишди, сўз талаб қилмай,
Бир ёз тештирадим, қилмишим билмай,

Далада ишлашга кўпмай ширин жон,
Сўрадим, шаҳардап сабзавот дўкон...

Ҳозир шу дўконда бўлиб ширин сўз,
Сотишим ошқовоқ, тузланган тарвуз...
Колхознинг ранси тузлаб мени ҳам,
Ярамга туз сепди бўлмасдан малҳам!..

Бир бочка вино-ю кўк памилдори,
Сўлишган сабзилар дўконда бори,
Бужмалак олма ҳам бор икки қонда,
Чириган пиёз ҳам турар офтобда.

Аъло сабзавотдан кенг бозор обод,
Бошқалар чапсану фақат мен касод!..»

•
•
•

«Уқиган кишига келгай деб малол,
Ездим қисқагина «таржиман ҳол»,
«Анкета»нинг ҳоли бундан ҳам хароб,
Уни тўлдиргунча чекдим изтироб.

Титради қўлларим чеккунча имзо,
Хотин ўқиб чиқиб, бўлди норизо,
Номус қилди гўё ўз хотингинам,
Ишонмай, «виждонли одамман!» десам,
«Жигилдон!..» деди-ю, оҳ тортди йиғлаб,
Уйдан чиқиб кетди, бағримни тиглаб!..

Бориб айтинг, дўстлар, хотиним қайтсин,
Айтмай ҳар кимларга, ўзимга айтсин,
«Колхоз ҳам ҳайдар!..» деб, тортмасин ташвиш,
Ҳалол ишлаганга ҳамма иш — бир иш».

МУНДАРИЖА

Дебоча	5
Табассум ҳам таассуф	6
Дилозор тиллар ҳақида	7
Ахлоқсиз «ошиқ-маъшуқ»лар	8
Оддий сатрлар	10
«Бир оғайним»нинг таърифи	11
Умр эмас ундай умр	12
Валакитанинг туб «фазилат»лари	13
Ғазаб омухта ғазал	14
Баъзи бир «ҳофиз»ларга	15
Мудом ростингда тур	16
Нозигим	17
«Муштум»чиларми	18
Давангир	19
Маҳалла «балоҳўри» таърифида	20
Хих, эшагим, хих	21
Даштдек қуруғу ҳосили янтоқ	22
Бўлмаса	23

Тўйхона маст	24
• Бир ҳаммаҳалламга	26
Қор, ёгсанг-чи	28
Баъзи мунаққидлар таърифида	30
• Номардга муҳтожлик ҳақида	30
Ўз манфаатини кўзловчилар ҳақида	30
Бетоқат кишилар ҳақида	30
Шеърятдан бехабарлар ҳақида	31
Музикасиз музикашунос ҳақида	31
Туюқлар	32
Рубойлар	34
Рубойнамо сатрлар	36
«Қўлбола рубой»лар	38
Бир текинхўр таърифида	40
Десам, деди	42
Халқ термалари	44
Етиб кел	47
Танқиддан кейин	50
Эски мактаб ва «жинни» Али хотираси	52
«Биздая йироқ кетгунча»	57
Тўй ҳангамаси	59
Ул йигитни ким йигит дер	61
Бошдан-оёқ нуқсон	63
Чапак	65
Анқов раҳбар, хушомадгўй хўжалик ходими	67
Яна «эрта келинг»	69
Баҳор ва лаганбардор	71
Истарам	73
Бетамиз	75
• Баъзи «ошна»лар ҳақида	78
• Беғараз насихат	80
Бир гап бўлар-кетар деб	82
Бир қаллобнинг саргузашти	85
• Намасан	87

Пул ўлсина — пул ўлсия	90
Пашшалар	94
Келди-кетди	97
Шу томонларни ёмон	99
Бир сельпо ҳақида зарбулмасал	101
Қуруқ гап қулоққа ёқмас	105
Мансабпараст	108
Беқароржон Кирдикоровнинг ўз қўли билан ёзилган тар- жиман ҳоли : : : :	108

На ўзбекском языке

Сабир Абдулла

УЛЫБҚА И СОЖАЛЕНИЕ

Стихи

Редактор *М. Жалшов*

Рассом *С. Субхонов*

Расмлар редактори *Н. Галиев*

Техн. редактор *В. Барсукова*

Корректор *М. Абдушукурова*

Босмахонага берилди 23/XI-1972 й. Босишга рухсат
этилди 20/III-1973 й. Формати 70x108¹/₁₆. Босма л.
3,76. Шартли босма л. 5,25. Нашр л. 3,43. Тиражи
35000. Р.09388 Ғафур Ғулوم номидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 117—72.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар,
полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат
комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида 1-қо-
ғозга босилди. Тошкент, Навоий, 30, 1973 йил,
заказ № 1826. Баҳоси 36 т.

А 15

Абдулла Собир.

Табассум ҳам таассуф. (Ҳажвий шеърлар.) Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.

120 б.

Абдулла Собир. Улыбка и сожаление.

Уз2

№ 313—72

Навий номи УзССР Давлат кутубхонаси.

Индекс 7—4—3